

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти  
Магистратура бўлими  
“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**  
Кафедра мудир, проф.  
\_\_\_\_\_ Ж.Р.Зайналов  
Баённома №\_\_ 2018 йил \_\_ май

**5A230601 – “Давлат молиясини бошқариш” мутахассислиги**

**МДМ-116 гуруҳ магистранти  
Тураев Алижоннинг**

**“Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизимини  
самарали бошқаришни ривожлантириш  
(Оқдарё туман ДСИ маълумотлари бўйича)” мавзусидаги**

# **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: и.ф.н. Хусанов  
Илмий маслаҳатчи: Бозоров О. –  
СамВДСБ бўлим  
бошлиғи

**САМАРҚАНД – 2018**

## Мундарижа

|  |          |
|--|----------|
| <b>Кириш.....</b>  | <b>4</b> |
| <b>1-Боб. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизими соҳасида ислохотлар ва солиқ салоҳиятини баҳолаш</b>                      |          |
| 1.1. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизими сиёсатидаги ислохотларнинг аҳамияти.....                                       | 10       |
| 1.2. Солиқ салоҳиятини баҳолаш зарурияти.....  | 18       |
| 1.3. Солиқ салоҳиятини баҳолаш тамойиллари.....  | 25       |
| <b>2-Боб. Солиқ тизимини бошқаришдаги ислохотларни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсири ва таҳлили</b>                               |          |
| 2.1. Солиқ тизимини самарали бошқаришдаги ислохотларни макроиқтисодий барқарорликка таъсирини амалий жиҳатлари.....                              | 31       |
| 2.2. Солиқ тизимини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тезкор ривожланишини рағбатлантириш ва самарадорликни оширишнинг амалдаги ҳолати..... | 36       |
| 2.3. Иқтисодиётни ривожлантиришда солиқлар таъсирчанлигини ҳамда солиққа тортиш тизимини самарали бошқариш омиллари.....                         | 42       |
| <b>3-Боб. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизимини самарали бошқаришни ривожлантириш истиқболлари</b>                      |          |
| 3.1. Солиққа тортиш тизимини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари.....  | 49       |
| 3.2. Солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштиришда хориж тажрибасининг тутган ўрни.....   | 56       |
| 3.3. Солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари.....                            | 63       |

|   |           |
|---|-----------|
| <b>4-Боб. Оқдарё туман Давлат солиқ инспекцияси да ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари</b>   |           |
| 4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....  | <b>68</b> |
| 4.2. Оқдарё туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....   | <b>69</b> |
| 4.3. Оқдарё туман Давлат солиқ инспекциясида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....   | <b>74</b> |
| 4.4. Оқдарё туман Давлат солиқ инспекциясида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари..... | <b>80</b> |
| <b>Хулоса</b> .....   | <b>83</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....   | <b>86</b> |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги ва ахамияти.** Мамлакатимизда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Дастурга асосан олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш асосий мақсадимиз этиб белгилаб қўйилди. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб, 2018 йилда нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган корхоналар, шу жумладан кичик бизнесни жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади<sup>1</sup>.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Лекин ҳозирги кунда корхоналар фаолиятини ривожланишида солиқ тизими тўсик бўлмаслиги лозим. Айтиш жоизки, солиққа тортиш жараёнларида: солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг кўплиги, тадбиркорлик субъектларида солиқ юкининг юқорилиги, самарасиз солиқ имтиёзларининг мавжудлиги, ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар томонидан тушумни яширишлари, банкдан ташқари нақд пул айланмасининг кўпайиб бориши ва хуфиёна иқтисодиётнинг авж олиб бориши каби муаммоларнинг мавжудлигига назаримиз тушиши мумкин. Демак, солиққа тортиш тизими билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва бу соҳани солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришни илмий асослаб берилиши бугунги куннинг долзарб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль

масалаларидан биридир. Бу эса тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиқ тизимининг назарий асослари ва солиққа тортишга оид муаммоларни классик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, М.Лоренц ва ҳозирги замон олимларидан И.М.Александров, В.Г.Пансков, И.М.Майбуров, Н.В.Миляков, В.Г.Князев, В.В.Карпов, Д.Г.Черник, Т.Ф.Юткиналарнинг<sup>2</sup> илмий асарларида тадқиқ этилган. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш муаммоларини татбиқ этишнинг айрим жиҳатлари иқтисодчи олимларимиз О.Қ.Абдурахмонов, М.А.Алимардонов, А.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, В.Ю.Галкин, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Н.Х.Хайдаров, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, З.Н.Қурбонов, Н.Р.Кузиева, Қ.А.Яхъеевларнинг<sup>3</sup> илмий ишларида ўрганилган.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида солиқ тизимини ривожлантиришда солиқ тизимини бошқаришдан самарали фойдаланиш масалалари махсус. мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу муаммо муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, солиққа тортиш тизимини самарали бошқаришнинг ўзига хос

---

<sup>2</sup> Петти У. Трактат о налогах и сборах. Разное о деньгах.-М.:Ось-89, 1997.-346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. М.: 1962 г.-408с.; Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения, том I.- М.: Государственное издательство политической литературы, 1955.-360с.; Александров М. Налоги и налогообложение: Учебник.-7-е. изд., перераб. и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», -М.: 2007.- 314 с.; Гусева С.М. Упрощенная система налогообложения: Учебник - М.: ЕНВД 2004.-112-с.; Пансков В, Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов.-М.: МЦФЭР, 2003.-336с.; Майбуров И. Налоги и налогообложение: Учебник.-М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2007.-655 с.; Миляков Н. Налоги и налогообложение: Учебник. Инфра-М, М.: 2007.- 507с.; Черник Д. Введение в экономико-математические модели налогообложения.-М.: Финансы и статистика, 2000.-256 с.; Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002.-576 с.; Черник Д. Налоги иналогообложение. Учебник - М.: МЦФЭР, 2007.-528-с.

<sup>3</sup> Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.; Ваҳобов А., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик -Т.:Шарқ, 2003.-400 б.; Ваҳобов А., Жўраев А., Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009.- 448 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: ДЖҚА, 2005. – 38 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: Академия, 2002.- 204 б.; Яхъев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслик.-Т.: Фан ва технологиялар, 2003.-247.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизмини.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.- 128 б.; Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. Академия. - Т.: 2007. -214 б. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кўчайтириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -38 б.

хусусиятларини аниқлаш, назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурлиги унинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Магистрлик диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** Солиқ тизимини самарали бошқариш орқали хўжалик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизими сиёсатидаги ислохотлар ва уни аҳамиятини тадқиқ этиш;

- солиқ салоҳиятини баҳолаш заруриятини ўрганиш, уларни назарий жиҳатларини ёритиш;

- солиқ салоҳиятини баҳолаш тамойилларини ёритиш;

- солиқ тизимини самарали бошқаришдаги ислохотларни макроиқтисодий барқарорликка таъсирини амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

- солиқ тизимини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тезкор ривожланишини рағбатлантириш ва самарадорлигини оширишнинг амалдаги ҳолатини ёритиш;

- иқтисодиётни ривожлантиришда солиқлар таъсирини ҳамда солиққа тортиш тизимини самарали бошқариш омилларини ўрганиш;

- солиққа тортиш тизимини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар бериш;

- солиқ кодекси меъёрларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти:** Солиқ тизимини самарали бошқариш муносабатлари бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети:** Солиқ тизимини самарали бошқариш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Магистрлик диссертацияда қиёсий ва омилли таҳлил, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Солиқ тизимини самарали бошқаришда солиқлар воситасида рағбатлантириш хусусидаги илмий назарий хулосалар ва амалий таклифлар келажакда ушбу соҳани ривожлантириш ҳисобига давлат бюджетига солиқ тушумларини ўсишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- солиққа тортиш тизимини самарали бошқариш такомиллаштириш йўналишлари ёритилди;

- солиққа тортиш тизимида солиқ салоҳиятига доир мавжуд муаммолар ўрганилди, уни тамойилларини қўллашга қаратилган таклифлар берилди;

- ягона солиқ тўлови ставкасини пасайтириш ва регрессив солиқ ставкаларини жорий қилиш тавсия орқали солиқ тизимини самарали бошқариш мумкинлиги ҳақидаги илмий ёндошувлар ёритилди;

- Солиқ кодексини Давлат Ҳаракатлар стратегияси Дастури талаблари доирасида такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

**Илмий янгилиги:**

- солиққа тортиш тизимини самарали бошқаришда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янада ихчам соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиш учун заруриятини юзага келганлиги ва бунинг учун қўшимча мезонини жорий этиш тавсия қилинди;

- кичик бизнес субъектларида солиқ юқини камайтириш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкасини оптимал даражада ушлаб туриш таклифи берилди;

- ягона солиқ тўлови ставкасини пасайтириш орқали бюджет даромадларини ошириш мумкинлиги исботлаб берилди;

- солиққа тортиш тизимини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари асосланди;

- солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштиришда хориж тажрибасининг тутган ўрни ёритилди;

- солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан солиқ тизимига бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин. Илмий ишда олинган илмий хулоса ва амалий таклифлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда, солиқ ставкалари ҳамда имтиёзларни белгилаш, давлат бюджетида солиқ тушумларини прогноз лойиҳаларини тузишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот материалларидан Олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Давлат бюджети” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти Оқдарё туман ДСИ (2018 йил 12 апрелдаги 16/2-5-сонли далолатнома) томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот ишидаги таклифлар янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларда инобатга олинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқотнинг асосий ғоялари қуйидаги илмий-амалий семинарларда: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари» (Самарқанд, 2017); «Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш йўллари» (Самарқанд, 2018) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган.



Магистрлик диссертация иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий ғояси ва натижалари натижалари бўйича 3 та илмий ишлар эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Магистрлик диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 90 бетни ташкил этиб, 10 та жадвал, 3 та диаграмма. ва 4 та расмдан иборат.

## **1-Боб. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизими соҳасида ислоҳотлар ва солиқ салоҳиятини баҳолаш**

### ***1.1. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизими сиёсатидаги ислоҳотларнинг аҳамияти***

Ҳукуматимиз томонидан 2017-йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган энг муҳим стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида солиқ юкини камайтириш, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини оширмаслик каби муҳим вазифалар режалаштирилиб олинди.


Мазкур вазифаларни амалга ошириш солиқлар ва солиқ юкини макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ривожланиш тенденцияларига, хусусан, макроиқтисодий барқарорликка таъсирини баҳолаш, уларда юзага келадиган муаммо ва тамойиларни аниқлаш каби чуқур таҳлилий тадқиқотлар ўтказишга кенг имкониятлар яратиб беради ва ушбу вазифалар бу борадаги макроиқтисодий таҳлилнинг предмети ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ юки ва уни макроиқтисодий ҳолатга таъсирини аниқлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш, солиқларнинг раҳбатлантирувчи функциясини кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни янада мустаҳкамлаш макроиқтисодиётнинг энг муҳим масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон солиқ-бюджет сиёсати орқали амалга оширилган кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Жумладан, иқтисодиётимизда 2017-йилда юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 121,7-фоизга ва ЯИМ ҳажми эса 107,6 фоизга ошди.

## 1-диаграмма.

### Солиқ юки (ЯИМга нисбатан), фоизда



Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган солиқ-бюджети сиёсати билан боғлиқ. Жумладан, 2018-йилда юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи (ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан биргаликда 15,5 фоизнинг ўрнига) 14 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона солиқ тўлови 5 фоизгача тушурилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шунингдек, бу борада ўтган йили Давлат бюджетини 0,1 фоиз профицит билан бажарилганлиги айниқса диққатга сазовордир (1-жадвалга қаралсин).

## 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети профицити<sup>4</sup>

| Кўрсаткичлар   | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил (режа) |
|--|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------------|
| ЯИМ га нисбатан давлат бюджети профицити (+), фоизда | 0,3      | 0,4      | 0,4      | 0,3      | 0,2      | 0,1      | 0,1      | 0,1      | 0,02            |
| Давлат бюджети профицити (+), млрд.сўм               | 209,8    | 335,3    | 413,6    | 389,5    | 304,6    | 236,0    | 132,1    | 134,5    | 59,5            |

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Юқоридагилардан кўринадикки, солиқ-бюджет сиёсати мамлакатнинг макроиктисодий сиёсатида алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб, у иктисодиётни тартибга солиш, турли хил ижтимоий вазифаларни амалга ошириш мақсадида солиқларни тартиблаштириш ва давлат бюджети маблағларини сарф қилиш учун ҳукумат имкониятларидан қай даражада фойдаланиш даражасини билдиради. Мазкур сиёсатнинг асосий дастаклари бўлиб солиқ ставкасини, солиқ солиш базасини, солиқлар турини, сонини, давлат харажатлари ҳажмини ва йўналишини ўзгартириш ҳисобланади. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

-солиқ йиғимлари даражасини ошириш ва бошқа захиралар ҳисобига солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;

-солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш;

-солиқ тизимини янада такомиллаштириш;

-иктисодиётга ва аҳоли даромадларига солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш;

-барча солиқ тўловчилари учун солиқ солиш шартларини тенглаштириш;

-ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда, табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқларнинг раҳбатлантириш ролини ошириш;

-солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;

-иктисодиётдаги солиқ юкини камайтириш;

-солиқлар турлари ва ҳисоблаш механизмларини янада такомиллаштириш;

-солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш мақсадида солиқларнинг раҳбатлантирувчи ролини кучайтириш ва бошқалар.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг таркибида билвосита солиқларнинг улуши юқори бўлиб, 2000 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМ га нисбатан 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб мазкур кўрсаткич ЯИМ га нисбатан 10,8

фоизни ифода этиб, 2017 йилга нисбатан ЯИМ таркибида 4,4 фоизга камайган. Бундан ташқари, мазкур кўрсаткич 2017 йилда ЯИМга нисбатан 10,4 фоизни ташкил этган<sup>5</sup>.

Умуман, макроиктисодиётга солиқ юкининг пасайиши мамлакат миқёсида ялпи инвестицияларнинг ўсишига, бу эса, ўз навбатида, махсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Шунингдек, ялпи талабнинг барқарор ривожланишида солиқ юкининг миқдори алоҳида аҳамият касб этади. У давлат бюджетининг солиқли даромадларини ЯИМ га нисбатини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 2000 йилда 26,6 фоизни, 2010 йилда 21,4 фоизни ифода этиб, 2010 йилдан 2017 йилга қадар унинг ўртача ўсиш суръати 22,4 фоизни ташкил этди<sup>6</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатдаги солиқ-бюджет сиёсатининг натижаси бюджет сальдоси ўз аксини топади. Бугунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки макроиктисодий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш мақсадида монетар сиёсатни фискал сиёсат билан мувофиқлаштириш натижасида ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Солиқ сиёсати, ўз навбатида, макроиктисодий сиёсатнинг бошқа инструментлари ҳисобланган пул-кредит сиёсати, ташки иқтисодий сиёсатга ҳамда иқтисодиётининг реал секторига ва макроиктисодий ҳолатга асосан икки йўл билан, яъни солиқлар миқдори ва бюджет тақчиллиги ҳажми билан таъсир этади.

Жумладан, солиқларни камайтириш қисқа муддатга бюджет дефицитига олиб келиши мумкин. Бироқ, у узоқ муддатга ялпи талабни оширади, натижада реал ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, ялпи таклиф кўпаяди. Шунингдек, солиқ юкининг ошиши аҳоли даромадлари ва жамғармаларининг ҳамда инвестиция ҳажми ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришининг камайишига олиб келади.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

<sup>6</sup> Ўша ерда

Бундан ташқари, бюджет дефицити ҳам солиқлар каби мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволига кучли таъсир этувчи макроиқтисодий омилдир. Бюджет дефицити солиқларнинг ошишига олиб келади, бунинг натижасида мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқариш, хусусан, истеъмол товарлари ва саноат маҳсулотлари ҳажми қисқариб боради. Бундан ташқари, мазкур салбий омил сабали хусусий инвестициялар камаяди, бу эса бозор талабини сустлаштиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, солиқ юки билан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг боғланиш зичликлари даражасини баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги натижаларга эга бўламиз (**2-жадвал**).

**2-жадвал**

**Солиқ юки ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси**

|   | Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тартиб рақамлари                | 1      | 2      | 3      | 4      | 5      | 6 |
|---|---|--------|--------|--------|--------|--------|---|
| № | Макроиқтисодий кўрсаткичлар                                     |        |        |        |        |        |   |
| 1 | Солиқ юки   | 1      |        |        |        |        |   |
| 2 | Инфляция суръати  | 0,673  | 1      |        |        |        |   |
| 3 | Монопол корхоналар сони   | 0,841  | 0,864  | 1      |        |        |   |
| 4 | Монопол маҳсулотнинг ЯИМдаги улуши<br>Аҳолининг пул харажатлари | 0,781  | 0,614  | 0,650  | 1      |        |   |
| 5 | Аҳолининг пул харажатлари                                       | 0,459  | 0,955  | 0,726  | 0,388  | 1      |   |
| 6 | Ялпи ишлаб чиқариш  | -0,947 | -0,504 | -0,687 | -0,753 | -0,283 | 1 |

Мазкур жадвал жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси деб номланади.

Ундаги жуфт корреляция коэффициентлари ўзаро кучли чизиқли боғланган омиларни аниқлаб беради ҳамда макроиқтисодий омилларнинг боғланиш меърини кўрсатади.

Асосий макроиқтисодий омилларнинг жуфт корреляция коэффициентлари матрицасидан куришиб турибдики, барча омилларнинг ўзаро ҳосил қилган жуфт корреляция коэффициентлари -1 дан +1 гача

кийматларни қабул қилиб, бунинг натижасига кўра мазкур кўрсаткичлар ўртасида кучли боғланиш юзага келган. Шунингдек, ушбу таҳлилда мусбат ишора тўғри боғланиш, манфий ишора эса тескари боғланишни ифода этади.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, барча омилларнинг солиқ юки билан ҳоил қилган жуфт корреляция коэффицентлари мусбат йўналишига эга бўлиб, мазкур омиллар солиқ юки билан тўғри боғланишни ифода этмоқда. Аммо солиқ юки билан ялпи ишлаб чиқариш ўртасида манфий боғланиш мавжуд бўлиб, бундан кўриш мумкинки, солиқ юкининг ўзгариши ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тескари таъсир этмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим рол ўйнайди ва республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис бунда солиқ тизими воситаларидан корхоналар талабларига нисбатан тез мослаша олиши янги иш ўринларини яратиш даромадларни ошириш борасида энг қулай ва мақбул йўллари аниқлаш мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг йирик ва мураккаб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Америкалик иқтисодчи Р.Стюарт кичик бизнеснинг хусусиятлари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтади<sup>7</sup>: кичик бизнес, кўпчилик янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич ишлаб чиқариш нуқтасидир; кичик бизнес ихтисослашган маҳаллий эҳтиёжларини қондиришга яхши мослашган бўлади; кичик бизнес ўз истеъмолчисини шахсан билиши муҳим бўлган хизмат турларини таклиф этади. Иқтисодчи олим Л.Гуровнинг фикрича<sup>8</sup>, кичик бизнес ушбу афзалликларга эга: устун даражада иқтисодий ўсишнинг суръатларини белгилайди, моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради, иш ўринларини вужудга келтиради, янги иш жойларни ташкил этиш йирик корхоналарга қараганда анча кам ҳаражат талаб қилади.

<sup>7</sup> Курбангалеева О.А. Как правильно применять упрощёнку. – М.: Эксмо, 2007. – С. 416.

<sup>8</sup> Гуров Л. Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари.// Бозор, пул ва кредит. – Т., 1999. – №7. –Б. 32.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари ва солиққа тортиш тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, хусусан Россия Федерациясида мамлакат қонунчилигига асосан ўртача ишчилар сонига қараб аниқланади: саноат ва қурилишда – 200, фан ва илмий хизмат кўрсатишда – 100, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида – 50, ноишлаб чиқариш тармоқларида – 25, ҳамда чакана савдода 15 кишигача белгиланган<sup>9</sup>. Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиши учун учта асосий мезон талабларига мос келиши лозим. Яъни, корхонанинг 9 ойлик даромади миқдори 15 млн.рублдан юқори бўлмаслиги лозим, корхонада ишловчилар сони 100 кишидан кўп бўлмаслиги ҳамда асосий воситалар ва номоддий активлар қолдиқ қиймати 100 млн.рублдан юқори бўлмаслиги лозим<sup>9</sup>.

Европа мамлакатлари Германия, Франция ва Италияда каби мамлакатларда кичик бизнес субъектлари микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарга бўлиниб, мезон сифатида ишчиларнинг иш билан бандлиги ва йиллик оборот кўрсаткичлари қўлланилиб пасайтирилган ставкаларда даромад (фойда) дан корпорация солиғини тўлайдилар. Микрофирмаларда ишчилар сони 10 кишигача ва йиллик оборот - 2 млн. евродан кўп бўлмаган , кичик корхоналарда ишчилар сони 10 кишидан 50 кишигача ва йиллик оборот 5-7 млн. евродан кўп бўлмаган, ўрта корхоналарда эса, ишчилар сони 50 дан 250 кишигача ва йиллик оборот – 40 млн. евродан кўп бўлмаган бўлиши лозим<sup>10</sup>.

Японияда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезони фаолият турларига қараб ишчилар сони ва йиллик даромади белгиланган бўлиб, кичик бизнес субъектлари амалдаги 30 фоиз ўрнига пасайтирилган 22 фоиз ставкада корпорация солиғини тўлайдилар. Пасайтирилган ставканинг қўлланилиши учун, корхонанинг устав жамғармаси 100,0 млн.йендан кам бўлиши ва йиллик даромади 8,0 млн.йендан кам бўлиши лозим<sup>11</sup>.

<sup>9</sup> Налоговый кодекс Российской Федерации 26 глава 346 статья. – М.: Гросс-Медиа, 2008. –С. 525. 26

<sup>10</sup> <http://www.worldbank.org/>; <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> маълумотлари асосида ҳисобланди

<sup>11</sup> Тошматов Ш.А.Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – Б. 135.



Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар давлат бюджети даромадларининг етакчи қисмини ташкил этмоқда. Эндиликда, кичик бизнес субъектлари томонидан тўланган солиқларни жами солиқ тушумларида ва бевосита солиқлар таркибидаги улушини йиллар бўйича ўзгариши таҳлилини кўриб чиқамиз (**3-жадвал**).

### 3- жадвал

#### Давлат бюджети жами даромадлари ва бевосита солиқлар таркибида юридик шахслардан олинadиган солиқ тўловларининг салмоғи<sup>12</sup>

| Кўрсаткичлар   | 2010 й.      | 2011 й.      | 2012 й.      | 2013 й.      | 2014 й.     | 2015 й.      | 2016 й.      | 2017 й.      |
|--|--------------|--------------|--------------|--------------|-------------|--------------|--------------|--------------|
| <b>I. Даромадлар, мақсадли жамғармаларсиз - ЖАМИ</b>   | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100</b>  | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |
| <b>Бевосита солиқлар</b>   | <b>26,0</b>  | <b>26,3</b>  | <b>25,4</b>  | <b>24,4</b>  | <b>23,4</b> | <b>23,6</b>  | <b>23,1</b>  | <b>24,0</b>  |
| Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи  | 4,7          | 5,1          | 4,7          | 4,0          | 3,5         | 3,6          | 3,1          | 2,9          |
| Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ягона солиқ тўлови  | 2,9          | 3,3          | 3,0          | 3,2          | 3           | 3,3          | 3,4          | 3,6          |
| Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови | 2,7          | 2,8          | 2,8          | 2,9          | 3,1         | 2,9          | 3,1          | 3,6          |
| Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи  | 11,7         | 11,2         | 10,8         | 10,4         | 10,3        | 10,1         | 9,9          | 10,1         |
| Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадига қатъий солиқ                  | 1,2          | 1,3          | 1,5          | 1,6          | 1,7         | 1,7          | 1,8          | 1,9          |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи   | 2,8          | 2,6          | 2,6          | 2,3          | 1,8         | 2,1          | 1,6          | 1,9          |

**3-жадвал** маълумотлардан кўриниб турибдики, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан соддалаштирилган тартибда тўланадиган ягона солиқ тўлови 2010 йилда бюджетдаги жами солиқ тушумларидаги улуши 2,7 фоизни ва бевосита солиқлар таркибидаги салмоғи 26,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб соддалаштирилган тартибда тўланадиган

<sup>12</sup> [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоби.

ягона солиқ тўлови 3.6 фоизни ва бевосита солиқлар таркибидаги улуши 24.0 фоизни ташкил қилган.

## **1.2. Солиқ салоҳиятини баҳолаш зарурияти**

Республикамизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ юкини оптималлаштириш солиқ сиёсатининг энг долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Иқтисодий эркинлаштиришда, биринчи навбатда солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини содаллаштириш ва унификация қилиш масалалари туради”.

Солиққа тортиш амалиётида тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини тақсимлаш жараёнида ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш унчалик осон эмас. Қолаверса, бу вазифани мутлақ кўринишида амалга ошириш имкони ҳам йўқ.

Чунки тадбиркорлик субъектлари учун адолат мезонлари жуда ҳам субъектив ва хилма-хил. Бундай ҳолатда барча субъектлар томонидан қабул қилинган, солиққа тортишда асосий ҳисобланган ижтимоий адолат мезонлари соф сифат хусусиятига эга. Улар ноаниқ бўлиб, муайян миқдорий нисбатларда ифодаланмайди. Бундан ташқари, танланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида барча томонидан қабул қилинган мезонлар тўғрисида бирмунча ишонч билан гапирилса-да, бироқ бир мамлакат учун маъқул келадиган битта солиқни ундириш тамойиллари бошқа мамлакатдаги худди шундай солиқни ундириш тамойилларига тўғри келмаслиги мумкин.

Солиққа тортишда солиқ тўловчиларга манзур бўладиган адолат мезонлари мунтазам равишда амалга оширилиши солиқ тизимининг бошқа асосий тамойиллари билан ўзаро зиддиятга олиб келиши мумкин. Баъзан бундай зиддият тегишли солиқни ҳар қандай мақсади ва мазмунидан маҳрум этади.

Одатда, факатгина иқтисодий ёндашувнинг ўзи эмас, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа сабаблар ҳам юзага келадиган зиддиятларнинг бартараф

этилиши ва бирор бир тамойилни танлашни белгилаб беради. Шунга карамасдан, адолатлилик тамойилини амалга ошириш борасида, шубҳасиз, бир канча умумий ёндашувлар мавжуд.

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишда адолатлилик тамойили солиқ мажбуриятларининг нисбий тенглиги ёки солиқ юкани тенг тақсимлаш тамойилига айланади. Бу ерда гар айнан нисбий тенглик тўғрисида кетмоқда. Чунки, ушбу ҳолатда бошқа кшплаб ҳолатларда бўлгани каби, мутлак тенглик субъектларнинг ижтимоий адолат тўғрисида умумий тасаввурларига зид келади.

Турли ҳудудларда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларидан солиқларнинг бир хил ундирилиши солиққа тортишнинг ижтимоий адолат тамойилига тўла мос келмайди. Кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ ставкаларини белгилаш жараёнида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси ва солиқ салоҳияти каби иқтисодий кўрсаткичлардан кенг фойдаланиш шарт. Барча тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқларнинг бир хил тўланиши эмас, балки, барча солиқ тўловчиларнинг солиқ юкани тақсимлашда айрим мезонлар бўйича тенглиги назарда тутилиб, ушбу мезонлар жамиятдаги ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввурларга мос келади.

Солиқ мажбуриятларининг нисбий тенглигига горизонтал ва вертикал тенглик тамойиларига риоя этилиши ҳисобидан эришилади. Горизонтал тенгликда бир хил мавкедаги солиқ тўловчиларнинг бир солиқ мажбуриятларига эга бўлишари кераклиги назарда тутилади. Вертикал тенгликда турли хил мавкедаги солиқ тўловчиларнинг содик мажбуриятлари бир хил бўлиши мумкин эмаслиги, бу мажбуриятлар уларнинг мавкеларидан келиб чиккан ҳолда ўзаро фаркланиши кераклигига эътибор қаратилади.

Мохиятан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ мажбуриятларининг нисбий тенглиги тамойили энг умумий кўринишда асосан бирор камситиш мавжуд бўлмаслигини асос қилиб олади ҳамда солиқларни аник ифодаланган ва барча учун маъкул бўладиган мезонлардан

келиб чиккан холда таксимлашни назарда тутати. Бундай таърифга бирор-бир солиқ субъекти эътироз билдириши мумкин, дея олмаймиз. Бу борадаги муаммолар тадбиркорлик субъектларининг мавқеини киёсий баҳолаш мезонларига таъриф беришга ҳаракат қилган пайтимиздан бошланади. Бу ерда фақат куйидаги масала ҳеч қандай баҳс-мунозарани талаб қилмайди: қўлланиладиган мезонлар субъектларнинг доимий сифатларига эмас, балки олиб бораётган фаолият натижаларига боғлиқ бўлиши керак.

Республикамиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, жуда кўп омиллар билан бир қаторда, солиқ салоҳияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис унинг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш, аҳамиятини кўрсатиш ва минтақаларда уни кучайтиришнинг зарурлигини асослаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Энг оддий тарзда олиб қараладиган бўлса, минтақанинг солиқ салоҳияти хусусида гап кетганда, энг аввало, тегишли бюджетларга реал равишда сафарбар этилиши мумкин бўлган даромадларнинг миқдори назарда тутилади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан қаралганда солиқ салоҳияти амалдаги қонунчилик доирасида ҳисобланиши ва тўлиқ равишда бюджетга ундирилиши мумкин бўлган солиқлар ва йиғимларнинг даражасини ҳам билдиради. Кенгроқ маънода олиб қаралганда эса, бу минтақа ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини, солиқлар ва йиғимлар ундирилишининг имкониятларини, уларни ундириш ҳаражатларини инобатга олган ҳолда ҳудуд солиққа тортиладиган ресурсларининг жами ҳажмини ифодалаши мумкин. Айрим ҳолларда солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳияти амалдаги қонунчиликка мувофиқ минтақа даромадларининг солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар орқали бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга олинадиган қисми сифатида ҳам талқин қилинади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этишда, ҳозирги пайтда, бир неча ёндашувлар мавжуд. Улардан бири, иқтисодиётнинг ресурслар билан

таъминланганлиги, иккинчиси, такрор ишлаб чиқариш жараёнлари бўлса, учинчиси эса, натижавий ёндашиш ҳисобланади.

Солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳияти иқтисодиётнинг ресурслар билан таъминланганлиги ёки умуман ресурслар бўйича аниқланаётганда солиққа тортиладиган базалар асос қилиб олинади. Унинг моҳияти такрор ишлаб чиқариш жараёнларидан келиб чиқиб талқин қилинаётганда “ресурслар – шарт-шароитлар – натижалар” схемасига мувофиқ тадқиқ этилади. Шунингдек, бу жараёнда унинг иқтисодий тизим ривожланишининг эришилган даражаси билан ўзаро боғлиқлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилади.

Мазкур ёндашувларга мувофиқ равишда солиқ салоҳияти минтақа солиқ ресурсларини бюджетнинг солиқли даромадларига айлантириш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларнинг йиғиндисини ифодаловчи иқтисодий категория сифатида қаралади. Солиқ салоҳиятининг қай даражада эканлиги иқтисодиёт ривожланишининг эришилган даражаси ва институционал ташкил этилиши шароитларида солиққа тортишнинг фискал ва тартибга солиш функцияларининг барабар амал қилиш даражаси билан белгиланади.

Солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳияти натижавий ёндашиш доирасида аниқланганда у муайян минтақа доирасида фаолият кўрсатаётган солиқ тизимини солиққа тортишнинг мавжуд шароитларида бюджетни солиқ даромадлари билан таъминлаб туриш қобилияти сифатида аниқланади. Иқтисодий категория сифатида унинг энг муҳим белгилари такрор ишлаб чиқариш ва эҳтимолий характерида (бу солиқ салоҳияти солиқ тушумларининг ҳақиқатдаги ҳажми эмас, балки эришиши мумкин бўлган ҳажмини кўрсатишда ифодаланади), иқтисодий тизимнинг институционал ташкил этилишига боғлиқликда ўз аксини топади.

Бир вақтнинг ўзида, солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳиятини талқин қилиш ва уни аниқлашда бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни умумий тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:

1. Ҳар қандай даромадларни бюджет даромадларининг ресурси сифатида қараш ва шундан келиб чиққан ҳолда солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳиятини талқин қилиш ва унинг даражасини аниқлаш;

2. Солиқ тизимини иқтисодий тараққиётнинг эҳтиёжларига мослаштиришни мақсад қилиб олиш ва шуни эътиборга олган ҳолда олганда тегишли масалаларни ҳал қилиш;

3. Солиқ ҳисоботлари расмий шакллари маълумотларини қайта ишлашга асосланиб солиқ салоҳиятининг моҳияти ва даражасини белгилаш;

4. Бюджетга ҳақиқатда келиб тушган суммаларга тузатишлар киритиш орқали солиқ салоҳиятига тегишли бўлган масалаларни ҳал қилиб олиш.

Ҳар бири ўзининг маълум даражадаги асосига эга бўлишига қарамадан, бизнинг фикримизча, солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳияти ва унинг даражасини аниқлашга нисбатан юқоридаги турли ёндашувларнинг мавжудлиги ушбу фаннинг ҳозирги пайтдаги ривожланиш ҳолати билан белгиланади.

Минтақа солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳиятини ўрганиш, унинг функционал мазмунини очиқ бериш унга хос бўлган бир неча белгиларни ва функционал мазмунга эга бўлган элементларни ёритишга имкон беради. Фикримизча, уни қўйидагича акс эттириш мумкин.

Ҳозирги пайтда солиқ салоҳиятининг иқтисодий моҳияти ва унинг даражасига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида иқтисодий тизим ривожланишининг эришилган даражаси ва такрор ишлаб чиқаришнинг табиати билан ўзаро боғлиқлик муҳим ўринни эгаллайди. Унга кўра, иқтисодий тизим ривожланишининг эришилган даражаси қанча юқори бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ салоҳияти ҳам шунча кучли бўлади.

Солиқ ресурслари бюджетнинг солиқли даромадларига айланишининг эҳтимолий характердалиги солиқ салоҳиятининг моҳияти ва даражасига таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Бу ерда солиқ ресурсларининг

хаммаси ҳам ҳар қандай шароитда бюджетнинг солиқли даромадларига айланавермаслигини эсдан чиқармаслик керак.

Умумлаштирилган эҳтиёжлар, асосан, солиқлар ҳисобидан қондирилиши эътиборга олинмаган бўлса, унинг такрор ишлаб чиқарилишини бузмаган ҳолда молиявий таъминланиши солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллардан бири эканлиги маълум бўлади.

Минтақаларнинг солиқ салоҳиятини кучайтириш масаласини минтақа бюджетига солиқ ресурсларининг келиб тушиш имкониятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли бу жараёнда солиқ ресурслари ва солиқларнинг у ёки бу минтақага бириктирилиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган масалалар солиқ салоҳиятининг моҳияти ва даражасини аниқлашда олдинги ўринлардан бирига чиқади.

Бюджетлараро муносабатлар тизимида минтақанинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарли таъминлаши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам солиқ салоҳиятидан айро ҳолда тасаввур этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис, улар солиқ салоҳиятининг моҳияти ва даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида эътироф этилмоғи лозим.

Минтақа солиқ салоҳиятининг функционал мазмунини ажратиб кўрсатилган элемент (омил)лари унинг ижтимоий хўжаликнинг бошқа тизимлари билан мувофиқ равишда минтақавий такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва молиявий бюджет тизимлари ҳамда бюджетлараро муносабатлар тизими билан ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради.

Минтақа солиқ салоҳиятининг шаклланиш жараёнида учта блок ўзаро биргаликда амал қилади. Бунда иқтисодий омиллар блоки иқтисодий ривожланишнинг шароитлари ва ўлчамлари комплексини ўзида бирлаштиради, минтақанинг иқтисодий салоҳиятини кўрсатиб туради ва ўз навбатида, иқтисодий салоҳиятнинг элементлари эса солиққа тортиш объектларига айлантирилиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида, иқтисодий омиллар блоки қўшилган қийматни ва солиқ ресурсларини яратиб туради.

Солиқ салоҳиятини шакллантирувчи норматив (меъерий) блок ва бюджет блоки ўз ичига бюджет ва солиқ соҳасининг тамойиллари, коидалари, нормалари, нормативлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Мазкур блокларнинг элементлари солиққа тортиш жараёни субъектларининг ўзаро биргаликда ҳаракатини таркибий ва функционал жиҳатдан тартибга солади ва шу орқали солиқ салоҳиятини шакллантиради. Норматив бюджет блоки омиллари биргаликда институционал блокни ташкил этади.

Солиқ салоҳияти даражасига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Бунда объектив омиллар сифатида амалдаги солиқ қонунчилиги, иқтисодийнинг ривожланиш даражаси, унинг тармоқ таркиби, баҳолар динамикаси ва шу кабиларни, яъни жорий даврда минтақаларда олиб борилаётган солиқ сиёсати ва бошқа жорий тартибда ўзгартирилиши мумкин бўлган омиллар киради.

Минтақанинг солиқ салоҳиятини аниқлаш учун хўжалик юритувчи субъектларни тегишли кўрсаткичлар бўйича тартиблаштириш лозим. Тартиблаштириш асосида кўрсаткичлар ётади. Улар солиқ базасининг алоҳида солиқ турлари бўйича ўзгаришлар тенденцияларини аниқлаш имконини беради.

Солиқ салоҳиятини баҳолаш одатда абсолют ифодада ёки индекслар (минтақа солиқ салоҳиятининг бошқа минтақаларга нисбатан ёки мамлакат умумий кўрсаткичига нисбатан) ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Индекслар ҳақиқий ҳолатни анча объектив акс эттиради. Чунки уларда абсолют кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш усуллариға хос бўлган камчиликлар, шунингдек, баҳоларнинг минтақавий фарқланиши таъсир этмайди. Минтақалараро солиқ салоҳиятини таққослашда, кўпчилик ҳолларда, аҳоли жон бошиға тўғри келувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Минтақанинг солиқ салоҳиятини бошқариш минтақада бюджетға етарли даражада ва ўсиб борувчи даромадлар олинишиға кўмаклашиши, бюджетнинг турли хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли олдидаги




молиявий мажбуриятларини бажарилиши учун етарли маблағларни таъминлаши лозим.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда солиқ салоҳияти алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларнинг солиқ салоҳияти қанчалик катта ёки юқори бўлиб, бу нарса, охир-оқибатда, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашга ўзининг ижобий таъсири кўрсатса, бунинг натижасида минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг молиявий асоси мустаҳкамланади, уларни ҳал этиш эса, тезлашади. Шунинг учун ҳам республикамизнинг ҳар бир минтақасида солиқ салоҳиятини кучайтириш ҳозирги шароитда объектив заруриятга айланмоғи лозим.

### 1.3. Солиқ салоҳиятини баҳолаш тамойиллари

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ салоҳиятини баҳолаш бўйича иккита асосий ёндашувни ишлаб чиқдик. Ушбу ёндашувларга асосланган ҳолда солиққа тортиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг солиқ салоҳиятини баҳолаш тамойилларини куйидагича фарқлашни лозим топдик: манфаатдорлик тамойилига асосланган солиқ мажбурияти ва туловга қодирлик тамойилига асосланган солиқ мажбурияти (1 - расм).

*1-расм.*





Тўловлар давлат  
фаолиятининг солиқлар  
ҳисобидан  
молиялаштирилишидан  
солиқ тўловчи кўрадиган  
манфаатларга мувофиқ  
равишда фарқланади



Солиқ юки солиқ  
тўловчиларнинг иқтисодий  
имкониятларига мувофиқ  
равишда тақсимланади

Манфаатдорлик тамойили аниқ солиқ тўловчининг тегишли солиқни тўлашга тайёр эканлигадан келиб чиқади. Бундай тайёрлик ушбу тадбиркорлик субъекти учун давлат фаолиятидаги солиқлар ҳисобидан: молиялаштириладиган соҳаларни субъектга фойдалилиги билан белгиланади. Ушбу тамойилга кўра, давлат фаолиятидан катта манфаат кўрадиган солиқ тўловчи кўпроқ солиқ тўлаши керак. Ушбу тамойилнинг афзаллик томони шундаки, бунда солиқ тўловчига тўланадиган солиқлар билан давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва ҳажми ўртасидаги муносабат яққол кўриниб туради. Ушбу тамойил негизида шаклланган ёндашув, умумий солиқ юкини бутун солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган тўловга қодирлик тамойилидан фарқли равишда, олдига тўланадиган барча солиқлар билан истеъмол қилинадиган ҳамма ижтимоий неъматлар ўртасидаги ўзаро адолатли мувофиқликни таъминлаш мақсадини кўяди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, манфаат кўриш тамойили бўйича солиқ юкини тақсимлашни амалга ошириш давлат фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Аммо бир қатор сабаблар туфайли буни амалиётда амалга ошириш кийин. Биринчидан, бирор ижтимоий неъматдан фойдаланишдан кўриладиган манфаат унинг индивидуал фойдалилиги билан белгиланади. Давлат фаолиятининг ҳар бир алоҳида олинган индивид учун индивидуал фойдалилигини аниқлаш жуда

мураккаб, хатто, кўп ҳолларда бунинг имконини ҳам йўқ. Шунинг учун манфаат кўриш тамойили татбиқ этилган ҳолларда амалда индивидуал фойдалилик тўғрисидаги ахборотдан эмас, балки бу ёки ушбу ушбу неъматларни истемол қилишнинг умумий ҳажмлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилади. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу иккала ахборот бнр-бирдан фарқ қилади.

Иккинчидан, қайта тақсимлаш дастурлари солиқлар ҳисобидан молиялаштирилганда манфаат кўриш тамойилини мутлақо татбиқ этиб бўлмайди. А.Смит ушбу тамойил ёрдамида “бойлар уларнинг бойлигини муҳофаза қилувчи давлат фаолиятидан кўпроқ манфаат кўраётганлари боис солиқларни қамбағалларга қараганда кўпроқ тўлашлари керак”<sup>13</sup>, деган фикрнинг асослашга ҳаракат қилган. Бироқ, ҳозирги давлатларда солиқлар ҳисобидан йиғиладиган маблағларнинг катта қисми айнан қам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарф этилмоқда. Бундай шароитда солиқ тушумларидан фойдаланишдан турли даражадаги субъектлар кўрадиган манфаатларни ўзаро қиёслашнинг умуман иложи йўқ.

Аҳолининг қам таъминланган қатламлари соф моддий манфаат кўришади, таъминланганлар бўлса, жамиятда уларнинг бойликларини сақлаш учун зарур бўлган ижтимоий барқарорлик кўринишидаги манфаатга эга бўлишади, Улар кўрадиган манфаатларига мувофиқ равишда солиқларни тўлашлари аҳолининг шу солиқлар ҳисобидан трансфертларни оладиган қам таъминланган қатламлар учун мазмунсиз. Ушбу сабаблар туфайли амалиётда манфаатдорлик тамойилидан фойдаланиш ниҳоятда чекланган. Мазкур тамойил у ёки бу даражада йиғимлар миқдорини ўрнатишда ва давлат хизматларини молиялаштириш учун бир неча мақсадли солиқларнинг тўловчиларини аниқлашда (бундай хизматлардан иктисодий субъектларнинг муайян гуруҳлари алоҳида манфаат кўришади) ҳисобга олинади.

---

<sup>13</sup> А.Смит.

Тўловга кодирлик тамойили алохида солиқ тўловчилар гуруҳининг солиқ юкини объектив кўтара олиш даражасидан келиб чиқади. Жуда кенг тарқалган бу тамойил бир қарашда оддийдек туюлади, лекин, синчиклаб қараганда, унчалик оддий эмаслиги равшан бўлади, Солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкини тақсимлашда мукаммал кўринишдаги тўловга кодирлик тамойили биринчи бўлиб Ж.С.Миллер томонидан илгари сурилган. Унда Ж.С.Миллер “Умумий мақсадлар учун баб-баравар қурбонлик қилиш” концепциясини таърифлаб берган. Моҳиятан олиб қараганда, манфаатдорлик тамойили ўрнига тўловга кодирлик тамойилини қўйиш индивидуал фойдалилик мезонидан ижтимоий фойдалилик мезонига ўтишни билдиради.

Бундай ёндашувни назарий асослаш утилитаризм (инглиз тилида утилитй) концепцияси (ижтимоий фойдалиликка оид концепция) доирасида бўлиши мумкин. Ушбу концепция индивидуал фойдалилик функциялари ўзаро солиштирилиши мумкинлиги тўғрисидаги постулатдан келиб чиқади ва ижтимоий фаровонлик функцияси керакли даражада максималлашишини индивидуал фойдалилик функциялари аҳамиятлари йиғиндиси сифатида таърифлайди.

Тўловга кодирлик тамойилидан амалий фойдаланиш борасидаги асосий муаммолардан бири “солиқ бўйича тўловга” кодирлик тушунчасининг ўзини изохлаш ва уни баҳолаш мақсадида мезонларни танлашдан иборат; Одатда, даромад, мол-мулк ва истемолга тўловга кодирлик кўрсаткичлари сифатида қаралади. Ушбу кўрсаткичларнинг қайси биридан солиққа тортиш тизимини ташкил этиш учун фойдаланиш кераклиги, “солиқ бўйича тўловга қодирлик”. тушунчасининг изохлашига боғлиқ. Д. Шнайдер бу борада тўртта асосий изоҳни келтиради **(2-расм)**.

|                                     |   |
|-------------------------------------|---|
| СОЛИҚ БЎЙИЧА ТЎЛОВГА ҚОДИРЛИК ИЗОҲИ |   |
|                                     | <i>Маблағларни олиш</i>                 |
|                                     | <i>Эҳтиёжларнинг амалда қондирилиши</i> |
|                                     | <i>Маблағларни олиш имконияти</i>       |
|                                     | <i>Эҳтиёжларни қондириш имконияти</i>   |

***“Солиқ бўйича тўловга қодирлик” тушунчасини изоҳлаш вариантлари (Д.Шнайдер тавсияси асосида)***

“Солиқлар бўйича тўловга қодирлик”ни маблағларнинг амалда олиниши сифатида изоҳланишида, у солиқ даври давомида олинган даромадга асосан ўлчанади. Бу ерда “даромад” деганда солиқ даврининг бошида белгиланган мол-мулк кийматини камайтирмасдан истеъмол учун ишлатилиши мумкии бўлган маблағлар тушунилади. Д.Шнайдернинг фикрича, мол-мулкни қўшимча солиққа тортишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки унинг кийматини сақлаш даромадни аниқлаш шарт ҳисобланади.

Солиқлар бўйича тўловга қодирлик эҳтиёжларнинг амалда қондирилиши сифатида изоҳланишида солиқ даври бошидаги мол-мулк билан; солиқ даври давомида олинган даромад йиғиндиси ёхуд солиқ даври охиридаги мол-мулк билан солиқ даври давомида истеъмол учун килинган харажатлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқилиши керак. Бунда алоҳида мулк солиғи даромад солиғига қўшимча солиқ истеъмол харажатлари сифатида ўрнатилиши асослидир.

Солиқлар бўйича тўловга қодирликнинг эҳтиёжларни қондириш имкониятлари сифатида изоҳланишида эҳтиёжларни реал қондириш айнан нимадан иборат бўлишини аниқлаш зарур. Солиқлар бўйича тўловга қодирлик таърифи нуқтаи назаридан келиб чиққанда, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари билан

уларнинг амалда кондирилишини аниқ белгилаб олиш ҳаракатлари қоникарли натижа бермайди ва бу, уларнинг амалий жиҳатдан ўзаро тенглашишига олиб келади.

Солиқлар бўйича тўловга қодирликнинг маблағларни олиш имкониятлари сифатида изохланиши солиқ даври давомида мол-мулк ва ишчи кучидан фойдаланишдан олинishi мумкин бўлган даромадга қаратилиб, бундай даромад меъёрий иш вақтида барча шахсий қобилиятларни қўллаш орқали шаклланади. Моҳиятан олиб қараганда, булдай изох қобилият учун солиқнинг жорий этилишини аниқлаб, солиқ тўловчининг:

- мол-мулки ва қобилиятларидан фойдаланиш йўналишларини эркин танлаш ҳуқуқини чеклайди;
- қобилиятларни объектив баҳолашда енгиб бўлмайдиган тўскинликларга дуч келишига олиб келади

Солиққа тортиш тамойилларини асослашда доимий фойдаланиладиган "қурбонликлар назарияси" нуқтаи назаридан солиқлар бўйича тўловга қодирликнинг эҳтиёжларни амалда кондирилиши сифатида изохланиши энг макбул вариант ҳисобланади. У ҳам солиқ даври давомида олинган даромадни ҳамда солиқ даври бошида жамгарилган мол-мулкни солиққа тортиш зарурлигини назарда тутлади. Бирок, бу ерда иккиёклама солиққа тортиш муаммоси юзага келади. Чунки, мол-мулкка, одатда, илгари солиққа тортилган даромад ҳисобидан эга бўлинади.

## **2-Боб. Солиқ тизимини бошқаришдаги ислохотларни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсири ва таҳлили**

### **2.1. Солиқ тизимини самарали бошқаришдаги ислохотларни макроиқтисодий барқарорликка таъсирини амалий жиҳатлари**

Мамлакатимизнинг солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар биринчи навбатда, иқтисодиётни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера олиши лозим. Бунинг учун эса, ривожланган солиқ тизимлари тажрибалари асосида қуйидагиларга эришмоқ керак, деб ўйлаймиз.


Биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини камида ўрта муддатли даврга режалаштира олиши ва ривожланишининг истиқболини аввалдан билишига имконият яратадиган солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш зарур. Хозиргача мамлакат солиқ тизимининг барқарорлигига эришилганича йўқ, аксинча, сўнги пайтларда Солиқ кодексига ва бошқа солиққа оид қонун ҳужжатларига жуда кўп ўзгартиришлар киритилмоқда.

Биргина Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларни кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Диаграмма маълумотларидан куринадики, янги тахрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинганидан буён унга жами 766 та ўзгартишлар киритилган. Ўзи аслида, 1998- йилда қабул қилинган эски (биринчи) Солиқ кодексининг бекор қилинишига сабаб, унинг солиқ муносабатларини бевосита тартибга солишга қодир булмай қолгани, жуда кўп ўзгартишларга дучор бўлгани эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги „ Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш тоғрисидаъьги ЎРҚ-454-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг **47 та** моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу кодексдан **12 та модда** ( XIII, XVI бўлимлар ва 53-боб ) чиқариб ташланди. **(2 -диаграмма)**

**2-диаграмма**

## 2008-2018-йиллар мобайнида Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар сони



Бироқ, янги тахрирдаги Солиқ кодексини пухта ишлаб чиқиш учун роппа-роса 3 йил кетганига, яна 2 йил мобайнида уни такомиллаштиришни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритишга рухсат берилганига қарамасдан ханузгача бу жараён охирига етказилмаган. Бу эса республика солиқ тизими барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини тақозо этади.

Иккинчидан, иқтисодиётда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсимланиши лозим. Бироқ, ҳозирги кунда бу муаммо лозим даражада ҳал қилинган деб бўлмайди. Чунки, солиқ тизими кўп сонли солиқ режимларидан ташкил топгани ҳолла жуда табақалашиб кетган. Мазкур солиқ режимларида солиққа тортиш даражаси турлича бўлгани сабаб, иқтисодиётда солиқ юки нотекис тақсимланган.

Маълумки мамлакатимизда умумий солиқ юки йилдан-йилга камайиб бормоқда, лекин таҳлиллар микрофирма ва кичик корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг миқдори юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу фикрга аниқлик киритиш мақсадида соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлил қилинди. Тижорат сирини ошқора этмаслик мақсадида корхона номини шартли равишда “**Зиёда Нур**” деб белгилаб олинди. Оқдарё туманидаги



“Зиёда Нур” кичик корхонасининг молиявий фаолияти таҳлил қилинди ва 4-жадвалда умумлаштирилди.

#### 4-жадвал

### Оқдарё туманидаги “Зиёда Нур” кичик корхонаси жамиятининг 2012-2017 йилларда жами товар айланмаси таркибидаги солиқлар ва тўловлар улуши<sup>14</sup> (солиқ юки) минг сўмда

| Солиқлар ва тўловлар турлари                        | йиллар      |            |            |            |
|---|-------------|------------|------------|------------|
|   | 2006        | 2008       | 2012       | 2017       |
| Жами товар айланмаси                                | 88055,9     | 100574,3   | 120450,4   | 170830,9   |
| Солиқ ва тўловлар жами                              | 9245,8      | 9755,7     | 9636,0     | 12812,3    |
| Шу жумладан:  |             |            |            |            |
| Ягона солиқ тўлови                                  | 3532,3      | 3854,3     | 4518,5     | 6202,6     |
| Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи                 | 459,3       | 349,0      | 362,6      | 468,0      |
| Ягона ижтимоий тўлов                                | 4385,7      | 4583,4     | 3700,4     | 4844,9     |
| Фуқароларнинг иш хақидан мажбурий сугурта бадаллари | 868,5       | 969,0      | 1054,5     | 1296,8     |
| Солиқлар юки, % да                                  | <b>10,5</b> | <b>9,7</b> | <b>8,0</b> | <b>7,5</b> |

**4-жадвал** маълумотларининг кўрсатишича, корхонада умумий солиқ юки йилдан йилга камайганини кўришимиз мумкин. 2006-йилда солиқ юки 10.5 ни ташкил этган бўлса 2017-йилда 7.5 фоизни ёки 3.0 фоиз пунктга камайган. Корхонанинг 4 йиллик фаолияти учун ушбу кўрсаткич ижобий ҳолат албатта. Лекин, солиқ юкини йилма-йил таҳлил қиладиган бўлсак бирмунча бошқача ҳулосага эга бўламиз. Демак, 2006-2017 йилларда ягона солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширган. Натижада солиқ юки 2006-йилда 10.5 ни ва 2008-йилда эса 9.7 фоизни ташкил этган. Корхона 2012-йилдан ягона солиқ тўловига ўтказилиши туфайли 2017-йилда солиқ юки 2012-йилга нисбатан 0,5 фоиз пунктга камайган. Лекин, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилишига қарамай 2017-йилда солиқ юки 7.5ни ташкил этган. Бизнинг фикримизча, ягона солиқ тўлови ставкасини янада камайтириш лозим

<sup>14</sup> Оқдарё туман ДСИ маълумотлари бўйича

**« Оқдарё Бунёдкор Қурувчи Сервис » МЧЖ микрофирмасининг**  
 умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиққа тортиш тартиблари бўйича  
 тўлаган солиқлари таҳлили<sup>15</sup> (минг сўмда) **5-жадвал**

| <b>Бюджетга туланган солиқлар ва йиғимлар</b>  | <b>2011 йил</b> | <b>2012 йил</b> | <b>2014 йил</b> | <b>2016 йил</b> | <b>2017 йил</b> |
|--|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|
| <b>Маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум</b>                                   | 321935,0        | 313041,4        | 335279,4        | 382549,8        | 401486,8        |
| <b>Фойда (даромад) солиғи</b>  | -               | -               | -               | -               | -               |
| <b>Шу жумладан:</b>  |                 |                 |                 |                 |                 |
| <b>Юридик шахслардан</b>   | -               | -               | -               |                 |                 |
| <b>Жисмоний шахслардан</b>   | 32567,0         | 37526,0         | 34533,0         | 45145,0         | 43004,8         |
| <b>Ягона солиқ тўлови</b>  | 14432,0         | 14720,0         | 16009,0         | 22953,0         | 24089,2         |
| <b>Қўшилган қиймат солиғи</b>  | 70494,0         | 90267,0         | 94142,0         | 101256,5        | 105625,7        |
| <b>Мол-мулк солиғи</b>   | 189,0           | -               | -               | -               | -               |
| <b>Ягона ижтимоий тўлов</b>  | 40235,0         | 45317,0         | 56303,0         | 85402,0         | 77425,0         |
| <b>Бюджетга туланган жами солиқлар ва мажбурий ажратмалар</b>                                | 157917,0        | 187830,0        | 200987,0        | 254756,5        | 250144,7        |
| <b>Бюджетга туланган жами солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг соф тушумдаги улуши, (%да)</b> | 49,0            | 60,0            | 60,0            | 67,0            | 62,0            |

Кўриниб турибдики, корхона соддалаштирилган солиққа тортиш тартибида фаолият юритган бўлсада, бюджетга ҳисоблаган солиқлари ва тўловлари суммасининг ҳажми ошиб бормоқда. Корхонанинг соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини танлашига асосий сабаб эса, мазкур тартибда солиқлар сонининг камлиги ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аниқлашнинг нисбатан соддалиги ҳисобланади.

<sup>15</sup> «Оқдарё Бунёдкор Қурувчи Сервис» МЧЖ микрофирмасининг мазкур йиллардаги молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

**Ягона солиқ тўлови тушумларининг 2020 йилгача бўлган даврга  
мўлжалланган башорат кўрсаткичлари**


**6-жадвал**

| Йиллар      | Ягона солиқ тўлови тушумлари (млн. сўм) |                     |
|-------------|---|---------------------|
|             | 1-сценарий варианты                     | 2-сценарий варианты |
| <b>2018</b> | <b>403352,4</b>                         | <b>298304,8</b>     |
| <b>2019</b> | <b>518753,1</b>                         | <b>334918,8</b>     |
| <b>2020</b> | <b>651662,0</b>                         | <b>371532,8</b>     |

**6-жадвал** маълумотларидан кўриниб турибдики, 1-сценарий вариантда ягона солиқ тўлови тушумлари 2018 йилда 403352,4 млн. сўм. ташкил этса, 2-сценария вариантыда 298304,8 млн. сўм. ташкил этмоқда. Демак иккинчи вариантдаги ўсиш суръатларига нисбатан биринчи вариант сценариясида ўсиш суръатлари анча юқори бўлиши аниқланди. Бундан келиб чиқиб, биринчи сценария прогрессив вариант ва иккинчи сценарияни эса пессимистик вариант деб ҳисоблашимиз мумкин. **(6-расм)**

**6-расм.**

**Ягона солиқ тўлови тушумларининг ўрта муқаддасли даврга ишлаб  
чиқилган прогноз кўрсаткичлари (млн.сўмда).**



## **2.2. Солиқ тизимини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тезкор ривожланишини рағбатлантириш ва самарадорликни оширишнинг амалдаги ҳолати**

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тезкор ривожланишини рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида кичик бизнес субъектларининг солиққа тортиш механизмини соддалаштириш, солиқ турлари, солиқ ҳисоби шакллари ва ҳисоботлар сонини камайтириш, солиқ тўловчиларга солиққа тортиш тизимидаги жараёнларни тушунишларини осонлаштириш ва солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш ва пировард натижада солиқ юқини давлат эҳтиёжларини тўла қондириш билан бирга, солиқ тўловчилар манфаатларига тўлиқ жавоб бера олиш даражасига етказиш имкоцини берувчи мақбул йўлларни излаб топиш каби мақсадларда - мамлакатимиз солиқ тизимида янги институционал ўзгариш - солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими ишлаб чиқилиб, солиқ амалиётига жорий этилди.


Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳозирги бозор муносабатлари жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда, республикамизнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада ҳисса қўшмоқда. Шу туфайли кичик тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолияти қанчалик ривожланса, уларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва сифат ошиб борса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошади, халқ фаровонлиги юксалади.

Шу муносабат билан кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг солиқ юқини пасайтириш, солиқ хизматлари бўйича фаолликни ошириш бугунги кунда долзарб эканлигини айтиш лозим. Кичик корхона ва микрофирмалар иқтисодиётдаги хўжалик субъектлари ўртасида салмоқли ўринни эгаллашини инобатга олган ҳолда улар тўлайдиган ягона солиқ тўловини зарурлигини асослаш, бу бўйича солиқ саводхонлигини ошириш, ягона солиқ тўловининг ўз вақтида бюджетга тушиши бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш муҳимдир.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайтириб келинаётганлиги солиқ юкини камайиб бораётганидан далолат бермоқда. (3-диаграммага қаралсин).

### 3-диаграмма

#### Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси динамикаси, (%)



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида кўра солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлар қўлланилиши белгилаб қўйилган. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “...яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайликлар ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир”<sup>16</sup>. Шу масаладан келиб чиқиб, бу солиқларнинг ставкалари ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида босқичма-босқич пасайтириб келинмоқда.

2010 йил 28 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли фармонида асосан Микрофирмалар ва кичик корхоналар

<sup>16</sup> Каримов И.А. Банк тизими, молиявий барқарорлик, солиқ тизими хусусида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 240 б.

таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномаларини тузганда, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қонунчиликда белгиланган чекланган меъёрдан 20 фоизгача ошириш ҳуқуқи берилган эди.

#### 7-жадвал

### Микрофирма ва кичик корхоналарда ходимларнинг ўртача йиллик сонининг чекланган меъёрлари оширилиши бўйича преференциялар

| т/р               | Кичик бизнес субъектлари  | Ходимларнинг энг юкори сони | ПФ-4232 фармонга кўра (20%) | ЎРҚ-379-сонли қонунга кўра (50%) |
|-------------------|---|-----------------------------|-----------------------------|----------------------------------|
| 1                 | 2   | 3                           | 4                           | 5                                |
| Микрофирмалар:    |   |                             |                             |                                  |
| 1.                | Ишлаб чиқариш тармоғида   | 20кишидан                   | 24 кишига                   | 30 кишига                        |
| 2.                | Хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасида   | 10 кишидан                  | 12 кишига                   | 15 кишига                        |
| 3.                | Улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида   | 5 кишидан                   | 6 кишига                    | 7,5 кишига                       |
| Кичик корхоналар: |   |                             |                             |                                  |
| 1.                | енгил, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида  | 200                         | -                           | 300                              |
| 2.                | металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида  | 100                         | 120                         | 150                              |
| 3.                | машинасозлик, металлургия, ёқилғи- энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида        | 50                          | 60                          | 75                               |
| 4.                | илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида | 25                          | 30                          | 37                               |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди<sup>17</sup>.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2014

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

йил 4 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-379-сонли қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сонини касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинган ҳолларда 20 фоиздан 50 фоизгача оширилиши назарда тутилган ўзгартириш киритилган. (7-жадвал).

Ҳозирги кунда солиқ тизимида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи резидент жисмоний шахслар учун фаолият турига (якка тартибдаги тадбиркорлар), шунингдек, фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичларга қараб (тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчилар) ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ турини тўлаш белгиланган.

2014 йилда юридик шахсни ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкаларидаги асосий ўзгариш, бошқа аҳоли пунктларида газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2013 йилдаги қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИҲнинг 2 баробаридан 0,5 бараварига пасайтирилди.

2015 йил солиқ сиёсатидаги янгилик “сартарошлик ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар” кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари маиший хизмат фаолияти турлари солиқ ставкалари таркибига киритилди ва солиқ ставкаси фаолият амалга оширилган жойига қараб, 2014 йилдагига нисбатан энг кам иш ҳақининг 0,5 бараварига пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида қатъий белгиланган

солиқдан имтиёзлар назарда тутилмаган. Бирок кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармон ва қарорларига асосан бу солиқдан бир қатор преференция ҳамда имтиёзлар берилган бўлиб, жумладан:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-4210-сонли фармонига асосан «Хунарманд» уюшмаси аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги қарори билан қонунчиликка хунармандларга қушимча имтиёзлар тақдим этишга қаратилган узгартиришлар киритилди.

Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги ПФ-4589-сонли фармонига асосан 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»<sup>18</sup>ги ПҚ-1754-сонли қарорига асосан 2012 йилнинг 2-чорагидан бошлаб, қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) 3 йил муддатга ҳамда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда қишлоқ хизматларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 5 йил муддатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилди.

-Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 390-моддасига асосан

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли қарори



гастрол-концерт фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

-Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган (ёки ташкил этган) ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари сугурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган (ёки ташкил этган) ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари учун сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун қулай шарт-шароит яратиш, соҳанинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва муносиб рағбатлантиришда солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этиб, бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>19</sup>ги ПФ-4609-сонли фармони ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли қарори асосида кичик тадбиркорлик субъектларига бир қатор преференциялар, енгилликлар ва имтиёзлар берилди.

2017-йилдаги солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларда ёшларнинг иқтисодий манфаатлари ҳам кўзда тутилгани диққатга сазовордир. Яъни 2017

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4609-сонли фармони

йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилса, олти ой давомида қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Шу билан бир қаторда янгидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалини, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлашнинг биринчи тўлови (муддати)ни давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлаши ҳам белгилаб қўйилди.

Санаб ўтилган турли хилдаги имтиёз ва преференциялар мазкур соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолиятдан олаётган даромадларининг кўпроқ қисмини ўзларида қолиши, фаолиятини кенгайтириши ва молиявий барқарорлигини ошириши ҳамда фаолиятини янада яхшироқ олиб боришга имконият яратиб бермоқда.

### **2.3. Иқтисодий ривожлантиришда солиқлар таъсирчанлигини ҳамда солиққа тортиш тизимини самарали бошқариш омиллари**

Иқтисодий модернизациялашнинг бугунги шароитида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ҳамда мутаносиб ривожлантириш, мамлакатнинг барча ҳудудларига хорижий сармояларни кенг жалб этиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони<sup>20</sup> асосан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.5-бандида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,

---

<sup>20</sup> Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони

уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштириш белгиланган. Хусусан, ҳалкнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламиникенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда, яъни ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис, ҳукуматимиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда солиқ сиёсатининг энг муҳим вазифаси солиқ тўловчилар даромадларини меъёр даражада солиққа тортиш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймаслиги ва давлат бюджети даромадларини мунтазам таъминлаши лозим.

Ҳудудлар иқтисодиёти даражасига баҳо беришда ҳар бир ҳудуднинг республика иқтисодиётида тутган ўрни асосланиши лозимю Мисол учун, Самарқанд вилоятини олайлик. Мазкур ҳудуд кейинги йилларда жадал ривожланиб бормоқда. Солиқ юқини енгиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида соф солиқлар улуши камайиши кузатилди. Бу кўрсаткич

2012 йилда 2,1 фоизни, 2016 йилда эса 2,0 фоизни ташкил этган ёки ушбу йиллар мобайнида соф солиқлар улуши 0,1 пунктга камайган.

#### 4-расм



Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган<sup>21</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши мунтазам равишда ортиб бормоқда. Бу ҳолат вилоятда қулай инвестиция муҳити яратилганлиги, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юқори улушга эга бўлиб, сўнгги йилларда бу кўрсаткичнинг бир қадар ўсиши кузатилган. Жумладан, 2012 йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 53,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 54,7 фоизни ташкил қилган ёки мазкур йиллар оралиғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,1 (54,7-53,6) пунктга кўпайган. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам жадал ривожланаётганлиги кузатилган. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши

<sup>21</sup> Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2012 йилда 44,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йили 45,3 фоиз ёки 1,0 (45,3-44,3) пунктга ортганлиги кузатилган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалиги улуши йиллар бўйича камайиш, саноат, қурилиш ва савдо тармоқлари улуши эса ўсиб бориш анънасига эга эканлиги кузатилган. Жумладан, вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги улуши сўнгги беш йил мобайнида 8,2 пунктга пасайгани ҳолда саноат улуши 7,9 пунктга ортганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий ислохотлар самараси юксалиб бораётганидан далолатдир.

#### 8-жадвал

#### Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибий динамикаси (2012-2016 йиллар)

| Кўрсаткичлар                | Йиллар |       |       |       |       | 2016 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши |
|-----------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|---|
|                             | 2012   | 2013  | 2014  | 2015  | 2016  |   |
| Ялпи ҳудудий маҳсулот       | 100,0  | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | -                                       |
| <i>шу жумладан:</i>         |        |       |       |       |       |   |
| -саноат (қўшилган қийматда) | 11,3   | 12,5  | 13,3  | 16,5  | 19,2  | 7,9                                     |
| -қишлоқ хўжалиги            | 34,6   | 32,8  | 30,8  | 28,7  | 26,4  | -8,2                                    |
| -қурилиш                    | 7,7    | 7,8   | 8,7   | 8,6   | 8,0   | 0,3                                     |
| -транспорт ва алоқа         | 7,8    | 8,5   | 8,1   | 7,7   | 7,4   | -0,4                                    |
| -савдо                      | 8,0    | 8,4   | 9,3   | 9,4   | 9,8   | 1,8                                     |
| -бошқа тармоқлар            | 28,5   | 27,8  | 28,0  | 26,9  | 27,2  | -1,3                                    |
| -соф солиқлар               | 2,1    | 2,1   | 2,0   | 2,2   | 2,0   | -0,2                                    |

*Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган<sup>22</sup>.*

Вилоят иқтисодий кўрсаткичлари таҳлиларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, сўнгги йилларда барқарор ўсишга эришилмоқда. Лекин ҳанузга қадар вилоятнинг ички имкониятлари ва мавжуд салоҳиятидан талаб даражасида фойдаланилмаётгани кўзга ташланмоқда. Бу борада ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу

<sup>22</sup> Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

вазифалардан бири вилоят савдо айланмасида экспорт улушини ошириш ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят савдо айланмаси таркибида импорт улуши юқори бўлиб, 2012 йилда 482,1 млн. АҚШ долларини, 2016 йилда эса 738,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Экспорт улушининг импортга нисбатан камлиги кузатилмоқда. Бунга пахта толаси, озиқ-овқат ва кимё саноати маҳсулотлари ҳамда сўнгги йилларда мева-сабзавот экспорти кескин камайиши сабаб бўлган. Шунга қарамай, машина ва ускуналар ҳамда хизматлар экспорти ҳажми кескин ўсишига озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг ўсиши сабаб бўлган. Бундан кўриниб турибдики, вилоятнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадлари 2012 йилда 1 273, млрд. сўмни, 2013 йилда 1 491,6 млрд. сўмни, 2014 йилда 1 502,9 млрд.сўмни, 2015 йилда 1 652,6 млрд.сўмни, 2016 йилда 1 915,6 млрд.сўмни ташкил этган. Вилоят бюджети даромадларини шакллантириш амалиётидан маълум бўлишича, унинг таркибида йиллар бўйича (2012-2016 йиллар) вилоятнинг ўз маблағлари мунтазам кўпайиши кузатилмоқда. Жумладан, солиқлар ва солиқсиз тўловлардан тушумлар 2012-2016 йилларда мос равишда 50,8, 51,4, 59,3, 65,6, 68,2 фоизни ташкил этиб, йиллар бўйича вилоят бюджети даромадлари таркибидаги улуши кўпайиши кузатилган. Субвенция ва маҳаллий бюджетга бериладиган даромадлар эса ушбу йилларда бюджет даромадларининг 49,2, 48,6, 40,7, 34,4, 31,8 фоизини ташкил этиб, йиллар бўйича камайиш тенденциясига эга. Вилоят бюджети даромадлари таркибининг бу тартибда ўзгариши солиқ тушумлари ошиши ҳисобига кузатилган.

Республикада бўлгани сингари вилоят бюджети даромадлари таркибида ҳам энг ишончли молиявий ресурслар- қўшилган қиймат солиғи ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисобланади. Сўнгги

йилда қўшилган қиймат солиғи суммаси ортиб боришига номутаносиб равишда вилоят бюджети даромадлари таркибидаги улушикамайган.

Бизнингча, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тарақиётига солиқ тизими таъсирини тадқиқ этиўда унинг таркибий қисми ҳисобланган шаҳар ва туманлар даражасида солиқларнинг аҳамиятини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Самарқанд вилояти ҳудудий жиҳатдан 16 та шаҳар (2 та) ва туман (14 та)дан иборат бўлиб, уларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши кескин фарқ қилмаса-да, шаҳарлар ва туманлар бир-биридан фарқ қилади.

Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, 2011-2016 йилларда вилоят таркибидаги шаҳар ва туманлар бўйича ўртача солиқ тушумлари 6,3 фоизга тўғри келиб, Самарқанд вилояти бўйича солиқ тушумларининг деярли (2011-2016 йилларда ўртача) 40,4 фоизи Самарқанд шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, Самарқанд ҳамда Пастдарғом тумани бўйича солиқ тушумлари улуши ўртача кўрсаткичдан юқори. Қолган барча ҳудудлар бўйича солиқ тушумлари даражаси ўртача кўрсаткичдан паст. Айниқса, Кўшработ, Пахтачи ҳамда Булунғур туманларининг солиқ тушумларидаги улуши анча камдир. Бу ҳолат вилоятининг ушбу ҳудудлари, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги, саноат ва хизмат кўрсатишнинг етарли даражада ривожланмаганлиги каби қатор сабабларга бориб тақалади.

Сўнгги йилларда Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ноёб тарихий-маданий ва меъморий мерос объектлари билан туристларни кенг таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудда замонавий туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, замонавий талабларга мувофиқ кўрсатиладиган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилашга эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда туристик-рекреацион ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, инвестиция компаниялари 2020 йил 1 январгача ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк слдиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун яғно солиқ тўлови ҳамда мажбурий тўловлардан озод қилинди.

Мазкур имтиёзлар ҳудудда туризм фаолиятининг янада ривожланиши ва ўз навбатида солиқ базасининг ошишига, қолаверса, ҳудуд иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.



### **3-Боб. Иқтисодий муносабатларни глобаллашуви шароитида солиқ тизимини самарали бошқаришни ривожлантириш истиқболлари**

#### **3.1. Солиққа тортиш тизимини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари**

Мамлакатда солиқ тизимини янада такомиллаштириш орқали кичик бизнес соҳасини ҳам рағбатлантиришга қатъий эътибор қаратилмоқда. Чунки кичик бизнес соҳаси мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек „... жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йиллар давомида соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Шу жумладан меъёрий миқдорларнинг жорий этилишини ва берган туб ўзгаришлар сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур меъёрларнинг жорий этилиши ва куламининг кенгайиб бориш босқичлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида Қарорига асосан, ягона солиқ тўлови тўловчилари учун меъёрий миқдорлар қўлланилади. Қарорда 2018 йилнинг 1-январидан бошлаб, ягона солиқ тўлови тўловчиларига солиқ органининг билдиришномасига асосан, умумбелгиланган солиқ солиш тизимига ўтишини белгиловчи тартиб ўрнатилди. Ушбу ҳолатда тарафларнинг ҳошиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, улар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарила олмайдиган ҳолатлар, яъни табиат ҳодисалари ижтимоий-иқтисодий вазийтлар юзага келиши, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилиниши объектив сабабларга асос бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сон “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>23</sup>ги Қарорига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини белгиланган ставкаларда, лекин айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлашлари зарурлиги белгилаб қўйилди. Шу муносабат билан “Ягона солиқ тўловининг киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги” Низом қабул қилинди ва Адлия вазирлигидан 2010 йилнинг 18 августида 2134 –рақам билан рўйхатдан ўтказилди. Мазкур меъёр қўйидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилмайди:

-Ягона солиқ тўлови(ЯСТ) тўловчиси бўлмаганларга;

-Фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ, фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига;

-Фақат лицензия бериладиган юридик шахсларга лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланадиганларга;

-ЯСТни тўлашдан тўлиқ озод бўлиш имтиёзига эга бўлганларга.

ЯСТнинг энг кам миқдори солиқ тўловининг асосий фаолият туридан келиб чиқиб аниқланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган ставка абўйича қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Масалан, агар солиқ тўловчининг асосий фаолият тури чакана савдо бўлса унда ЯСТнинг энг кам миқдори чакана савдони амалга оширувчи якка

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сон Қарори

тартибдаги тадбиркор учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланади.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯСТ энг кам миқдорининг суммаси ҳисобот чораги учун қатъий белгиланган солиқ суммаларини қўшиш орқали чорак учун ҳисоблаб чиқилди.

ЯСТ ҳисоб-китобини қуйдаги корхона мисолида кўриб чиқамиз (**8-жадвал**):

**8-жадвал**

**2017 йилда Ягона солиқ тўловининг минимал миқдорини ҳисобга олган ҳолда „Зиёда Нур“ кичик корхонаси жамияти бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби**

| Кўрсаткичлар  | Сатр коди | Жами     | Шу жумладан, фаолият турлари бўйича |         |        |   |   |
|---|-----------|----------|-------------------------------------|---------|--------|---|---|
|   |           |          | 1-асосий фаолият                    | 2       | 3      | 4 | 5 |
| 1   | 2         | 3        | 4                                   | 5       | 6      | 7 | 8 |
| Ҳисобот даврига солиққа тортиладиган ялпи тушум (минг сумда)  | 010       | 56761400 | 50310500                            | 6250900 | 200000 |   |   |
| Ягона солиқ тўлови бўйича белгиланган ставка, % да  | 020       |          | 4                                   | 10      | 33     |   |   |
| Ҳисобот даврига ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси ( минг сумда)  | 030       | 2703510  | 2012420                             | 625090  | 66000  |   |   |
| ҳисобот оyi (чораги) учун ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори (Маълумотноманинг 030-сатри 11-устуни / 12) ёки (Маълумотноманинг 030-сатри 11-устуни / 4) | 040       | 6946     | X                                   | X       | X      | X | X |
| ҳисобот оyi (чораги) учун ягона солиқ тўловининг қўшимча ҳисобланган суммаси (040-сатр - 030-сатр)  | 050       | 0.00     | X                                   | X       | X      | X | X |
| Аввалги ҳисобот даври учун ягона солиқ тўловининг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 070-сатри)                              | 060       | 0.00     | X                                   | X       | X      | X | X |
| ҳисобот даври учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр + 060-сатр)  | 070       | 0.00     | X                                   | X       | X      | X | X |

„**Зиёда Нур**” кичик корхонали учун ҳисобот даврида ягона солиқ тўлови бўйича қўшимча солиқ ҳисобланмаган. Чунки ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ тўлови сўммаси белгиланган минимал миқдордан юқори.

Ягона солиқ тўлови тўловчи корхоналар ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган, аммо юридик шахс бўлмаган бўлинмаларга, чакана савдода эса-турғун савдо шахобчаларга эга бўлса, ЯСТ нинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган ҳар бир бўлинма (турғун савдо шахобчаси) учун ЯСТ ини тўлайди. Бунда ЯСТнинг энг кам миқдори ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шахобчаси) жойлашган жойдаги якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқилган ҳолда ҳисобланади.

Масалан, Оқдарё туманида рўйхатдан ўтган озиқ –овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи савдо корхонаси юридик шахс бўлмаган 2 та турғун шахобчасиса эга. Савдо шахобчаларидан бири Оқдарё туманида жойлашган бўлса, ушбу ҳудудда ҳудди шундай фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ойига ЭКИХ нинг 5 баравари миқдорида белгиланган, иккинчиси эса Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган бўлса, ушбу ҳудудда қатъий белгиланган солиқ ставкаси ойига ЭКИХ нинг баравари миқдорида белгиланган. Шундай қилиб, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхонаси ЯСТ ни ушбу савдо шахобчалари жойлашган жой бўйича белгиланган ставкалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бироқ Оқдарё туманида жойлашган савдо шахобчаси бўйича ҳисоб даври учун ЭКИХнинг 5 баробаридан ва Оқдарё туманида жойлашган савдо шахобчаси бўйича эса – ЭКИХнинг 3 баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Бир нечта фаолият турини амалга оширувчи корхоналар учун ушбу низом билан белгиланган тартиб, агар ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлса, ва унга қатъий

белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган бўлса, факт асосий фаолият турига тадбиқ этилади (2).

ЯСТнинг энг кам миқдори юритилган фаолият тури тўхтатилган тақдирда, юридик шахс солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма хабарнома тақдим этиши зарур ва кейинг даврларда белгиланган тартибда ЯСТ тўлайди. “янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида”ги низом билан белгиланган тартибда ЯСТни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган янги ташкил этилган микрофирма ва корхоналар қўшимча ҳисобланган ЯСТ сўммасини ЯСТ нинг кечиктирилган сўммаларини тўлаш билан бир вақтда тўлайдилар.

Маълумки, адлия вазирлигидан 2005 йил 2 августда 1502- рақам билан рўйхатдан ўтган “янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби белгиланган.

Ушбу тартиб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва лотореяларини ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>24</sup>ги фармони қабул қилинганидан кейин рўйхатдан ўтказилган микрофирма ва кичик корхоналарга тегишлидир.

Муддати кечиктирилган тўлов суммасини ундириш 12 ой давомида, тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини беришни белгиланган муддати тугашидан сўнг бошланадиган ойнанинг биринчи кунидан бошлаб, кейинг

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли фармони

йилнинг ўша ойи биринчи кунигача тенг улишлар билан, яъни тўланадиган ягона солиқ тўловининг ҳисоблаб ёзилган йиллик суммасининг камида 12 дан 1 қисми ҳисобида амалга оширилади.

Учинчидан, 2011 йилнинг 1 январидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ҳодимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланди. Тасдиқланган меъёрларга иш берувчилар томонидан риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, ҳодимлар сони ва меҳнат ҳақи фондининг тасдиқланган энг кам меъёрларидан келиб чиқиб ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қўшимча ҳисоблаш ҳуқуқи давлат солиқ хизмати органларига берилди.

Айтиш жоизки, 2011 йилнинг 23 февralида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан “Ҳодимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низоми давлат рўйхатидан ўтказилди.(рўйхат рақами 2200). Демак, 2011 йилнинг 1 январидан ҳозирги кунга қадар чакана савдо умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар учун ҳодимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби жорий этилди.

Ҳодимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларига риоя қилинмаган тақдирда солиқ толовчилар тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда низомда белгиланган тартибда ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадалларини ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қўшимча ҳисоблашлари шарт.

Бутун ташкилот бўйича умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фонди энг кам меъери билан ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўртасидаги фарқ тўловларни қўшимча ҳисоблаш учун база бўлиб ҳисобланади. Масалан,

чакана савдо корхонаси Оқдарё тумани турли ҳудудларида 2 та турғун савдо шахобчасига эга. Дейлик,

1-турғун савдо шахобчасининг майдони 90 кв.м;

2-турғун савдо шахобчасининг майдони 140 кв.м;

Турғун савдо шахобчаларида белгиланган иш вақти хафтасига 84 соат;

Маъмурий ходимлар сони- 3 киши.

Белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри:

1-турғун савдо шахобчаси бўйича – 5 киши;

2-турғун савдо шахобчаси бўйича – 7 киши;

Турғун савдо шахобчаларида иш вақти ( хафтасига 84 соат) хафтасига 72 соатдан ортиб кетганини ҳисобга олиб, асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтирувчи коэффисент қўлланилади  $84/72=1.17$

Шу тариқа асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри:

1-турғун савдо шахобчаси бўйича- 6 киши ( $5*1.17$ )

2-турғун савдо шахобчаси бўйича- 8 киши ( $7*1.17$ )

Мехнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини ҳисоблаш учун корхона бўйича ходимларнинг умумий сони, маъмурий ходимларни кўшиб ҳисобланганда  $3+6+8=17$ .

Чакана савдо корхоналари учун ягона таъриф сеткаси бўйича иш малакаси ўртача 2-разрядга тўғри келади. Ягона таъриф сеткаси бўйича ишларнинг 2-разрядига мувофиқ келувчи ҳисоб учун олинандиган таъриф коэффиценти 2,476 га тенг.

Тўртинчидан, 2011 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчилари учун янги тартиб жорий қилинган. Унга мувофиқ, солиқ тўловчилар эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб, ҳисобланадиган ер солиғини 3 баробаридан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ тўлов ставкалар бўйича солиқ тўланиши белгиланди.

Энг кам меъёрий миқдорларнинг жорой этилиши фаолият турларига мувофиқ равишда табақалаштирилган ягона солиқ ставкаларини қўллаш амалиётини бир мунча чегаралаб қўйди, яъни ялпи даромади юқори бўлмаган

микрофирма ва кичик корхоналарда белгиланган ставкалар ўрнига меъёрий миқдорнинг қўлланиши мазкур кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ юкининг кескин ошиб кетишига олиб келади. Бу айниқса савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларида яққол даражада кўзга ташланади.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибида меъёрий миқдорларнинг жорий этилиши бир томондан хуфиёна даромадни, ходимлар сони ва меҳнат ҳаққи фондини легаллаштиришга ҳамда бюджет даромадларини кўпайишига қаратилган бўлса, иккинчи томондан кам оборотга эга бўлган кичик бизнес корхоналарида солиқ юкини ошишини келтириб чиқаради.

Кичик бизнес корхоналарини соддалаштирилган тартибда солиққа тортишда қўлланиладиган меъёрий миқдорларни такомиллаштириш ва ягона солиқ тўлови ставкаларини оптималлаштириш мақсадида қуйидагиларда эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз:

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган амалдаги солиққа тортиш тартибини оптималлаштириш учун мақсадли равишда фаолият тури ва солиқ тўловчининг жойлашган жойига қараб солиқ ставкаларини табақалаштирувчи тартибни жорий қилиш лозим. Бунда асосий эътибор ҳудудларнинг ривожланиш даражасига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларидан асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрлари ушбу корхоналарнинг жойлашган жойига (шаҳарлардан, қишлоқларда, узоқ тоғли туманларда ) қараб табақалаштирилиши зарур. Чунки шаҳар ва қишлоқларда ишчилар сонига талаб тафовутда эга саналади.

### **3.2. Солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштиришда хориж тажрибасининг тутган ўрни**

Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиққа тортишнинг хорижий амалиётига назар соладиган бўлсак, аксарият давлатларда мазкур субъектларга нисбатан амалда қўлланилаётган солиққа тортиш тартиблари



турлича бўлиб, ҳар бир давлатнинг ижобий тажрибаларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатларда солиқ турлари ва уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш шароитлари турлича бўлиши билан бир қаторда, айрим мамлакатларда бир турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар ҳам мавжуд. Шулардан бири бу корпоратив фойда солиғи (corporate income tax) ҳисобланиб, мазкур солиқ ставкаси 0 % оффшор зоналарга, Саудия Арабистонида 85 %, Норвегия эса 78 % миқдорида тебранишга эга. Бу давлатларда корпоратив фойда солиғи базаси олинган даромадлар ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатидаги аниқланади. Мазкур солиқ тўлангандан кейин қолган фойданинг бир қисми дивидент сифатида тақсимланадиган бўлса, дивидент солиғига, агар резерв сифатида корпорацияда қолдириладиган бўлса, фойданинг қайта тақсимлаш солиғига тўрилади. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида давлатлар ўртасида мазкур солиқ базасини ҳисоблашда инобатга олинмайдиган харажатлар гуруҳи ҳамда уларнинг меъёрлар ўртасида, шунингдек, даромадларни тан олиш шартларида фарқланишлар мавжудлиги аниқланди. Қатор давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган фойда ўртасида тафовудлар мавжуд. Буларга Аргентина, Австралия, Испания, Кипр, Малазия каби давлатларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, қуйида ривожланган давлатларда солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобида шаклланган фойда миқдорлари ўртасида фарқни юзага келишига тасир этган кўрсаткичларни келтираемиз.

Корхоналарда солиққа тортиш нуқтаи назаридан товар-моддий захираларини (ТМЗ) баҳолашнинг ФИФО, ЛИФО ва АВЕКО усуллари билан бирини танлаш айнан солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобида шаклланган фойда миқдорини турлича бўлишига олиб келиши мумкин. Мисол учун ЛИФО (Last out last input) усули Австралия, Буюк Британия, Венгрия, Канада, Малазия, Финландия, Туркия, Чехия, Швеция, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши тақиқланган. Германияда эса ФИФО (First out first input) усулидан фойдаланиш бекор қилинган. Бразилия, Саудия

Арабистони каби мамлакатларда эса фақатгина АВЕКО усулидан фойдаланиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича корхоналарда ТМЗларнинг жорий счотидаги нархлари ҳам аниқланади („Товар-моддий захираларъъ номли 4-сон БХМС). Бунда корхоналарда ҳисоб сиёсатида иккита счотдан фойдаланишга руҳсат берилган. Яъни ҳисобга олинган нархи бўйича ва ҳақиқий таннархи бўйича. Бундан ташқари, агар корхона ҚҚС тўловчиси бўлмаса (мисол учун содалаштирилган солиққа тортиш тартибида фаолият юритаётган кичик корхона) ТМЗ ни сотиб олишда тўлаган ҚҚС ни таннархга киритади. Шунингдек, ТМЗ ларни сотиб олиш харажатлари уларнинг таннархига қўшилиши ҳамда СКнинг 142-моддасига мувофиқ солиққа тортиладиган фойдани аниқлашда чегирилиши белгиланган.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари (тўғри чизиқли усул, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ, тезлаштирилган усул ва фойдаланиш йиллари йиғиндисига мувофиқ ҳисобланган) ни қўллаш юзасидан ҳам ривожланган мамлакатлар солиққа тортиш тизимларида қатор ўзигз хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, асосий воситалардан фойдаланиш муддатлари бўйича гуруҳлаш тизимига назар соладиган бўлсак, Бразилия, Ирландия, Уругвай, Чили каби мамлакатларда- 3 гуруҳга; Австаралия, Буюк Британия, Венгрия, Ҳиндистон, Кения давлатларида-4 гуруҳга; Саудия Арабистони, Коста-Рика, Франция, Шри-Ланка, Словакия давлатларида-5 гуруҳга; Инданизия, Япония, Чехия мамлакатларида-6 гуруҳ; Покистон ва Таиландда-7 гуруҳга; Латвия, Норвегия, Полша, Перу, АҚШда -9 та гуруҳга; Швейцария ва Лихтенштейнда-12 та; Мозанбекда-19 та гуруҳга бўлинади. Бундан ташқари, амортизация ҳисоблаш бўйича ҳам фарқлар мавжуд бўлиб, Австрия, Белгия, Эквадор каби давлатларда фақат тўғри чизиқли усулдан фойдаланиш белгиланган. Буюк Британияда илмий ишланмаларга 100% лик амортизация ажратмаларни амалга оширишда, Грецияда янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларга тезлаштирилган усулдан фойдаланишга, Исроилда эса маҳсус белгиланган объектларни қурувчи

субъектларга тезлаштирилган усулдан, Ирландияда, ШЕНГЕН зонасида жойлашган субъектларга тезлаштирилган усулдан, Канада нефт, газ ва руда казиб олувчи компаниялар томонида амалга оширилган тадқиқот харажатларига нисбатан 100%лик амортизация ҳисоблаш имконияти берилган. Малайзияда импорт қилинган асосий воситанинг амортизация нормаси маҳаллий асосий воситага нисбатан икки баробар кам белгиланган. Ўзбекистонда эса асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тўғри ва тезлаштирилган усулларни қўллаш мумкинлиги солиқ кодексига, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга мувофиқ эса корхона амортизация ҳисоблашнинг 4 та усулини ҳам қўллаш имкониятининг мавжудлиги келтириб ўтилган. Германияда эса НИОКР мақсадларида сотиб олинган техник асбоб-ускуналар фаолиятининг 1-йилида 40%и миқдорида эскиришни ҳисоблашга руҳсат берилган бўлиб, улар фаолияти субсидия бериш, хизматлар бўйича датациялар бериш, имтиёзли кредит ва молиявий ёрдам кўрсатиш билан рағбатлантирилади.

Шунингдек айрим давлатларда хўжалик юритувчи субъектлар фойдасини солиққа тортиш мақсадида улар томонидан амалга оширилган харажатлар миқдорида белгиланган нормативларни аниқлаш ҳам турличадир. Мисол учун Аргентинада соф фойданинг 5%игача бўлган сумма ҳомийлик қилишга ишлатилса, соф фойданинг 25%игача бўлган маблағ директорларга гонарал сифатида берилса харажатларни солиққа тортиладиган базадан чегиришга руҳсат берилган. Болгария, Чехия, Швецияда сафар харажатларига нисбатан нормативлар, Боливия, Брунейда резерв фондларни ташкил этиш харажатларига нисбатан нормативлар, Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Янги Зеландия, Швеция, Туркия каби давлатларда шубҳали қарзлар бўйича резервларни ташкил этиш харажатларига нормативлар белгиланган. Германияда корпорациялар ялпи тушумнинг 0,2% ёки солиққа тортиладиган даромаднинг 5% миқдорида илмий, диний сохаларга ҳомийлик қилишга ёки рекламага харажат қилиш мумкин. Руминияда соф фойданинг 1% миқдорида бошқарув харажатларини, фаолият туридан келиб чиқиб соф даромаднинг 5,

8,10%игача миқдорда ҳомийлик бадаллари кўринишидаги ҳаражатларни амалга ошириш ҳамда бу ҳаражатларни корпаратив фойда солиғИ базасидан чегириш имконияти берилган.

Экспорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам қатор мамлакатларда солиқ имтиёзлари жорий этилган. Жумладан, Австрия Инданезия, Кения, Малайзия, Сингапур, Руминия, АҚШ Чили Греция, Кипр, Колумбияда экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун солиқлардан маълум бир муддатларга қисман ёки тўлиқ озод қилинган. Ўзбекистонда эса экспортга етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, уларга маҳсулотларини янги жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишда қўллаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги “<sup>25</sup>ПҚ-1731-сон қарори қабул қилинган қарорга асосан маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга қуйидаги енгилликлар жорий этилди: Халқаро молия институтлари донр мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендрларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан, ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга чет эл валютасида шартномалар тuzган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Мехмонхона бизнеси ва савдо компаниялари Австрия, Малта, Сингапур каби давларда имтиёзли фаолият ҳисобланиб, қатор солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар жорий этилган.

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сон қарори

Халқаро компаниялар Барбуда ва Антигуада ялпи даромаддан 3% миқдордаги солиқни тўлашлари белгиланган.

Сингапур Ганконгда суғурта компанияларига имтиёзли солиққа тортиш тизими амал қилади. Полшада инвестицион харажатларни 50% ини фойда солиғи базасидан чегиришга рухсат берилган бўлса, бу кўрсаткич кичик корхоналарда 65%га тенг. Сингапурда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай инвестицион муҳит яратилган бўлиб чет эл инвестициясини жалб этган корхоналар учун “махсус имтиёзли солиқ сиёсати” амалга оширилади.

Солиқ таътиллари Ҳиндистон, Ветнам, Тайландда 5йил муддатда, Парагвайда фойда солиғининг 95% 5 йил муддатга берилган.

Люксембург, Буюк Британия, Венесуэлада солиқ кредити 12% миқдорида бўлиб 5 йил муддатга олиш мумкин.

Кичик корхоналар фаолиятини солиққа тортиш жароёни ҳам ривожланган давлатларда ўзига хос йўналишларга эга бўлиб, мисол учун АҚШда федерал даражада 75000 АҚШ доллари миқдорида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган корхоналар 34%ли ставкада корпарацион солиққа тортилса, кичик корхоналарга нисбатан эса 50000 АҚШ доллари миқдорига даромадга эга бўлганлар 15% ли 75000 долларгача даромадга эга бўлганларга эса 25% ли солиқ ставкаси белгиланган. Шунунгдек, кичик корхоналарда сотув ҳажми 200000 АҚШ долларига тенг бўлган корхоналар учун 25000 АҚШ долларига тенг бўлган қўшимча чегирмалар ўрнатилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, саноати ривожланган давлатларда кичик корхоналарга нисбатан қўлланиладиган корпарация солиғининг пасайтирилган ставкаларини қўллаш амалиёти кенг тарқалган бўлса-да уларнинг ставкалари бир-биридан кескин фарқ қилади. Мисол учун АҚШда унинг энг қуйи чегараси 15%ни ташкил эца, энг юқори чегараси 34%ни Франсяда кичик корхоналар учун 33,3%ни, бошқа ўрта ва йирик корхоналар учун 36%ни Канадада 22 ва 20%ни, бошқа корхоналарга нисбатан эса 43 ва 30%ни ташкил этади.

Буюк Британияда корпаратив солигғни ҳисоблаш механизмида имтиёзли солиқ ставкасини қўллашда солиққа тортиладиган даромад ўзига хос тарзда аниқланади. Бунда солиққа тортиладиган даромад миқдори 300000 фунт стерлингача бўлган корхоналар кичик корхоналар гуруҳига киритилиб, 20%ли имтиёзли ставкада солиққа тортилади. Корхона фойдаси 1500000 фунт стерлингача бўлган корхоналар эса 30% ли ставкасида солиққа тортилади.

Чунки ставкани камайтирилиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган фойданинг кўпайиши эвазига, фаолиятини ривожлантириш имконияти вужудга келади.

## 9-жадвал

### Ривожланган мамлакатларда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимлари тавсифи

| Давлатлар | Амал қиладиган солиққа тортиш тизимлари  | Стандарт классификация гуруҳи     |
|-----------|--|-----------------------------------|
| Аргентина | Regimen Simplificado para Pequeños Contribuyentes yoki Monotributo (исп. Кичик корхоналар учун соддалаштирилган тизим ёки ягона солиқ)   | Солиқ патенти                     |
| Бразилия  | Regime Especial Unificado de Arrecadacao de tributes e Contribuicoes devidas pelas Microempresas e Empresas de Pequeno Porte – Simples Nacional (соддалаштирилган тизим )  | Солиқ патенти/<br>Оборотдан солиқ |
| Хитой     | ( хитой ҚҚС ) жисмоний шахслар учун  | Оборотдан солиқ                   |
| ЮАР       | Turnover Tax ( инг. Оборотдан солиқ )  | Оборотдан солиқ                   |
| Мексика   | Regimende Pequeños Contribuyentes (исп. Кичик солиқ туловчилар учун тизим)   | Оборотдан солиқ                   |
| Хорватия  | Posebna porezna primitke od samostalnedjelatnosti i ostale primitke ёки special tax on the receipts from independent personal activities and other receipts (инг. Бошқа даромад манбаларидан ва тадбиркорлик фаолиятига) | Оборотдан солиқ                   |

Ривожланган давлатларда ишлаб чиқарувчи фаолияти билан шуғилланувчи кичик корхоналарга нисбатан имтиёзли солиқ ставкалари нисбатан юқори суръатларда қўлланиб келинмоқда. Жумладан, ишлаб чиқарувчи фаолият билан шуғилланувчи корхоналарга нисбатан анча пасайтирилган ставкалар қўлланилади. Ривожланган корхоналарнинг солиққа тортиш тизимида самарали ишлаётган имтиёз турларидан бири бу солиқ кредитларининг берилишидир. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг жаҳон амалиётини тадбиқ этиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

-Солиқ имтиёзлари асосан бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳамда мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи тармоқларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилиши белгиланган;

-Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар амалиёти хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятларини кенгайтиришга сарфланган харажатларга нисбатан солиқлар бўйича преференцияларни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

### **3.3. Солиққа тортиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи ўта муҳим ва мураккаб масаладир. Ҳар бир ҳудуд ривожини, аҳоли турмуш шароитини, ижтимоий ҳимоя, шу ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларни тўғри ҳал қила билишига боғлиқ. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муҳим таркибий қисми ташкил этади ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятида муҳим молиявий манба ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондириш ҳамда давлатнинг

марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирлари изчил бажарилишига имкон беради. Маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш ва ресурсларни тежамкорлик билан сарфлаш вазифаси юклатилади.

## 9-жадвал

### Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг динамикаси (2012-2018 йиллар)

| №  | Даромадлар   | Йиллар       |              |              |              |              |              |              |
|----|--|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|    |  | 2012         | 2013         | 2014         | 2015         | 2016         | 2017         | 2018         |
| 1  | Кўшилган қиймат солиғи   | 8,1          | 6,7          | 7,1          | 8,3          | 8,0          | 12,7         | 14,2         |
| 2  | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи  | 1,0          | 1,0          | 1,2          | 1,1          | 1,3          | 2,0          | 2,2          |
| 3  | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ягона солиқ тўлови                        | 3,3          | 3,5          | 4,3          | 4,8          | 5,8          | 7,5          | 7,4          |
| 4  | Мол-мулк солиғи  | 4,1          | 4,4          | 4,7          | 5,2          | 5,6          | 9,3          | 10,2         |
| 5  | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи  | 12,2         | 12,2         | 13,8         | 14,7         | 13,7         | 19,3         | 19,6         |
| 6  | Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ | 2,4          | 2,5          | 3,2          | 3,7          | 3,9          | 6,2          | 6,5          |
| 7  | Давлат божи  | 1,3          | 2,1          | 2,7          | 2,9          | 2,3          | 4,1          | 4,1          |
| 8  | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ  | 0,1          | 0,1          | 0,1          | 0,1          | 0,1          | 0,1          | 0,1          |
| 9  | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи                                 | 0,6          | 0,6          | 0,7          | 0,7          | 0,5          | 0,7          | -            |
| 10 | Акциз солиғи   | 1,8          | 2,1          | 2,6          | 2,8          | 3,0          | 4,3          | 4,6          |
| 11 | Ер солиғи  | 3,6          | 3,8          | 4,0          | 4,2          | 4,8          | 5,0          | 5,4          |
| 12 | Микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ тўлови                                | 3,1          | 3,2          | 4,0          | 4,5          | 4,5          | 6,7          | 7,4          |
| 13 | Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ        | 3,9          | 4,4          | 5,9          | 6,3          | 6,2          | 8,3          | 6,4          |
| 14 | Тушумлар ва солиқсиз даромадлар  | 4,8          | 3,9          | 4,1          | 5,2          | 7,5          |              | 7,5          |
| 15 | Бозорлар даромадидан тушум   | 0,7          | 0,8          | 1,0          | 1,1          | 1,1          | 1,6          | 1,5          |
|    | <b>Даромадлар жами</b>   | <b>50,8</b>  | <b>51,4</b>  | <b>59,3</b>  | <b>65,6</b>  | <b>68,2</b>  | <b>87,8</b>  | <b>97,1</b>  |
|    | <b>Субвенция ва маҳаллий бюджетга бериладиган даромадлар</b>                                   | <b>49,2</b>  | <b>48,6</b>  | <b>40,7</b>  | <b>34,4</b>  | <b>31,8</b>  | <b>12,2</b>  | <b>2,9</b>   |
|    | <b>Вилоят бюджети даромадлари</b>  | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |

Манба: Самарқанд вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра, солиқлар у ёки бу бюджетга йўналтирилиши белгиланган бўлса-да, маҳаллий бюджетларда тақчилликка



йўл кўйимаслиги жиҳатидан ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар улар харажатларини тўлиқ молияштира олмаслигидан келиб чиққан ҳолда бугун умумдавлат солиқларининг ҳам кўпгина қисми маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Уларга, кўпинча, маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари сифатида қаралади. Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари миқдори ҳудудларнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида белгиланади:

- Ҳудудлар молиявий, жумладан, уларнинг ўз даромад базалари етарлигига;
- Ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик ва боўқа умумдавлат вазибалари ҳамда дастурларига;
- Ҳудудлар бўйича товар (иш, хизматлар) қийматидаги фарқларга;
- Ҳар қайси ҳудудлар аҳолиси сонига;
- Ушбу ҳудудда бюджет ажратмаларига бўлган эҳтиёжига;
- Ҳудудлар ўртасидаги молиявий номутаносиблик (тафовут)ни бартараф этиш учун ҳисобга олинадиган бошқа омилларга.

Республикамизда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг асосий даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар муаммоси уларнинг маҳаллий бюджетлар харажатларини тўлиқ миқдорда молиялаштира олмаслигидадир. Шу боис ҳам умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар, яъни тартибга солинадиган солиқлардан тўлиқ ёки қисман ажратмалар белгилаш тизими амал қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатлари яна бир қадар оширилган бўлсада, бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатлари қонунчилик нуқтаи-назаридан бир қадар чекланган. Ва амалда ўз ҳудудида ундириладиган барча солиқ ва йиғимларни назорат қилиш тизими мавжуд.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш, бунда маҳаллий давлат

хокимияти идораларининг ваколатларини ошириш муҳим йўналиш сифатида белгиланиши лозим. Зеро, маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳоқимиятларнинг иқтисодий имкониятидир. Маҳаллий бюджет даромадлари қанча кўпайса, ушбу ҳудуд аҳолиси фаровонлиги шу қадар юқори бўлади.

Ҳудудларнинг иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

#### 10-жадвал

### Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг динамикаси (2012-2016 йиллар)

| №                         | Даромадлар         | Йиллар       |              |              |              |              |              |              |
|---------------------------|--------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|                           |                    | 2011         | 2012         | 2013         | 2014         | 2015         | 2016         | 2017         |
| 1                         | Самарқанд шаҳри    | 41,8         | 41,3         | 40,3         | 39,3         | 40,3         | 39,1         | 39,0         |
| 2                         | Каттақурғон шаҳри  | 4,6          | 4,8          | 4,5          | 4,5          | 3,9          | 3,8          | 3,2          |
| 3                         | Оқдарё тумани      | 2,3          | 2,5          | 2,5          | 2,4          | 3,0          | 3,1          | 5,4          |
| 4                         | Булунғур тумани    | 2,2          | 2,2          | 2,7          | 2,7          | 2,7          | 2,6          | 2,8          |
| 5                         | Жомбой тумани      | 4,0          | 3,9          | 4,1          | 4,7          | 4,9          | 4,8          | 4,4          |
| 6                         | Иштихон тумани     | 3,0          | 2,9          | 2,7          | 2,7          | 2,8          | 2,9          | 3,0          |
| 7                         | Каттақурғон тумани | 3,3          | 3,6          | 3,5          | 3,4          | 3,3          | 3,4          | 3,7          |
| 8                         | Кўшработ тумани    | 1,0          | 1,1          | 1,1          | 1,2          | 2,3          | 2,6          | 2,5          |
| 9                         | Нарпай тумани      | 4,3          | 4,5          | 4,1          | 4,0          | 3,8          | 3,8          | 4,1          |
| 10                        | Пайариқ тумани     | 3,3          | 3,4          | 3,7          | 3,6          | 3,4          | 3,5          | 4,0          |
| 11                        | Пастдарғом тумани  | 6,4          | 6,8          | 6,7          | 7,0          | 6,9          | 6,4          | 7,2          |
| 12                        | Пахтачи тумани     | 2,2          | 2,2          | 2,0          | 1,8          | 2,0          | 2,0          | 2,1          |
| 13                        | Самарқанд тумани   | 6,9          | 6,8          | 7,1          | 7,6          | 7,0          | 8,5          | 6,3          |
| 14                        | Нуробод тумани     | 5,7          | 5,3          | 5,7          | 6,0          | 4,6          | 4,1          | 3,4          |
| 15                        | Тайлоқ тумани      | 2,9          | 3,3          | 3,5          | 3,7          | 3,5          | 3,6          | 3,6          |
| 16                        | Ургут тумани       | 6,2          | 5,4          | 5,7          | 5,7          | 5,8          | 5,7          | 5,3          |
| <b>Вилоят бўйича жами</b> |                    | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |

*Манба: Самарқанд вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.*

Биринчидан, маҳаллий ҳоқимиятларининг давлат бошқаруви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқаришдаги ролини ошириш, ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

- Маҳаллий ҳоқимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш, тасдиқлаш ва бажаришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

- Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқаларини, қонуний асосларини яратиш, яъни бунда турли бюджетларнинг ўзаро мажбуриятлари, ҳуқуқлари ўз аксини топиши лозим;

- Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатларнинг қонуний чегарасини яратиш.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар, маҳаллий ҳудудларда ушбу солиқдан тушадиган тушум ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланади. Фоизлар йиллар бўйича турли хилдир. Маҳаллий ҳокимиятлар ташаббуси билан бириктирилган даромадлар улуши кўтарилса, албатта, келгуси йили давлат солиқларидан ажратмалар фоизи камайтиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимиятларнинг доимий равишда бириктирилган бюджет даромадларини кўпайтириб боришдаги қизиқишни чеклаб қўяди ва сўндиради. Шунинг учун умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда уч-беш йилга ўзгармас бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали маҳаллий ҳокимиятларнинг ушбу солиқлардан тушадиган даромадларни кўпайтириб боришидаги манфаатдорлиги оширилади.

Учинчидан, вилоят (туман)нинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали ижобий сальдога ҳамда ҳудуднинг иқтисодий барқарор ривожланишига эришиш мумкин.

## **4-Боб. Оқдарё туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутаяди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроли ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муҳофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкаимиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Йўқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

#### **4.2. Оқдарё туман ДСИ ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари**

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутаяди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)<sup>26</sup> кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

---

<sup>26</sup> Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Йонғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Йонғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Йонғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Йонғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда

уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар

берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуйўқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м<sup>2</sup>/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони



бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталаниб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар

хам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

#### **4.3. Оқдарё туман ДСИда фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чоратадбирлари**

Фавқулодда вазият (ФВ)<sup>27</sup> — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг

---

<sup>27</sup> Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб йўқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки

каттик шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Йонғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поёзлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

## 2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теварақатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига,

заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шопишнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори

бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган йўқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли

химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал йўқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг йўқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Йер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал йўқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;

2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;

3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);

4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

#### **4.4. Оқдарё туман ДСИда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни

белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

## Хулоса

Ўзбекистон солиқ соҳасидаги ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга ва у ўз навбатида, етакчи тармоқларнинг ўсишига ҳамда кичик бизнеснинг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий мақсади давлат бюджетининг даромад ва харажатларини оптималлаштиришда, маҳаллий бюджетлар ролини ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда намоён бўлмоқда

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

- иқтисодиётни ривожлантиришда солиқларни рағбатлантириш вазибаларидан самарали фойдаланиш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари бўлиб, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади;

- солиқ юкни камайтириш иқтисодиётда юридик шахсларнинг ўз ихтиёрида қоладиган даромадларини кўпайтириш, шу орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кредиторлик қарзларини камайтириш ва ниҳоят, боқимандалар миқдорини камайишига олиб келади. Бу солиқларнинг иқтисодиётга таъсирини янада кучайтиради, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига қулай шароит яратади;

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг жаҳон амалиётини тадбиқ этиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Солиқ имтиёзлари асосан бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳамда мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи тармоқларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилиши белгиланган;

- Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар амалиёти хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятларини кенгайтиришга сарфланган харажатларга нисбатан солиқлар бўйича преференцияларни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Магистрлик диссертация ишида солиқ тизимини самарали бошқаришда рағбатлантириш таъсирчанлик даражасини кучайтиришга қаратилган кўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ юкени таксимлашда ҳудудларнинг солиқ салохиятини кўйидаги омилларга асосан баҳолаш мақсадга мувофиқ:

- ҳудудда яратилган Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси;
- ҳудудда аҳолининг доимий иш билан бандлик даражаси ва кейинги йилларда вужудга келган ишсизлик динамикаси;
- маҳаллий бюджет даромадларининг, маҳаллий бюджетга юкори бюджетдан бериладиган дотация ва субсидиялар миқдори;
- ҳудудда иктисодиётнинг асосий соҳалари бўйича бир неча йиллар давомидаги ихтисослашув даражаси ва бошқалар.

Юқорида келтирилган солиқ тизимидаги ислоҳотлар макроиктисодий барқарорликни таъминлашда муҳим фискал омиллардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобга олган ҳолда солиқ ва солиққа тортиш тизимида кўйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Солиққа тортиш тизимини унификациялаш, солиқ маъмурчилиги ва солиққа тортиш тартибларини соддалаштириш, солиқ юкени камайтириш ҳамда корхоналар фойдасини икки марта солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадида, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (7,5%)га ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (8%)ни кўшиб унинг ставкасини ошириш (10-12%).

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини солиқ субъектларининг оилавий ва ижтимоий аҳволи (оила бошлиғи, ёлғиз боқувчи), оилавий даромадларининг таркибига караб табақалаштириш.

- резидент жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўрта ва махсус таълим муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш ташкилотларига қилган ижтимоий харажатларини йиллик

ҳисобланган даромад солиғининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташлаш.

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини эркинлаштириш ва солиққа тортиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида, солиқ тўлашда уларга айланма суммасига қараб қатъий белгиланган ставкада ёки даромад (харажат)лар ҳисобини юритган ҳолда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларида солиқ тўлаш юзасидан танлаш ҳуқуқини бериш.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортишнинг ҳуқуқий меъёрий асосларини такомиллаштириш ва ЯИМ таркибида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизма) улушини кўпайтириш мақсадида, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларини дастлабки 2 йил давомида соддалаштирилган тартибда солиққа тортишда меъёрий миқдорларни тадбиқ этмаслик зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2017
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ- 2270-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ- 3454-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-455-сон қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йилнинг 18-августидан 2134-рақам билан рўйхатдан ўтказилган „ Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом
8. Каримов И.А. Ўзбекистан – келажакдаги буюк давлат. - Т.: Ўзбекистан,1992.
9. Каримов И.А Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир // Фидокор, 2007 йил 13-феврал.

10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон 2005 — 89-б.
11. Каримов И.А. 2015-йилда иктисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. – 36-б.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-396-сонли Қонуни
13. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-398-сонли Қонуни
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сонли қарори;
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори қабул қилинди.
16. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2005. -204 бет.
17. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 25.12.2007 й., ЎРҚ - 13 6-сон. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 й., 52(1)-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахрири тайёрлаш тўғрисида»ги Фармойиши, 07.01.2005 й., Ф-2108.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи, 2015 йил 12 январь.
20. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир. - Т.: ..Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.
21. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. - Т.: ..Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 361-б.
23. Алиева Х. Налоги и налогообложение: учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2005. 61 с.
24. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2009. 236-б.
25. Мизяков НИ. Налоги и налогообложение: учебник. М.:Инфра –М, 2007. — 112-114.
26. Дмитриева Н.Г., Дмитриев Д.Н. Налоги и налогообложение: учебник. — 3-е. изд. - Ростов н/Д: Феникс, 2005. — 18 с.
27. Качур И.Б. Налоги и налогообложение: учебное пособие. — М.: КНОРУС. 2007. — 24 с.
28. Современный экономический словарь / под ред. Б.А Райзберг, Л.Ш Лозовский, П.Б Стародубсева. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 125 с.



29. Жураев А., Тошматов Ш., Абдурахманов О. Солиқлар ва солиққа тортиш: ўқув қўлланма. - Т.: НОРМА. 2009. 184-б.
30. Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.— Т.: БМА, 2011 — 23 б.
31. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
32. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008. -287б.
33. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003.
34. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
35. Тошмуродова Б.Е., Элмирзаев С.Е. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
36. Ваҳабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
37. Абулқосимов Х.Р., Ҳамраев О.Я. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
38. Маматов Б.С. ва бошқ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 608 б.
39. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2010.
40. Рахимов М.Ю. Иқтисодий субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
41. Қосимова Г. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. 148 б.
42. Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2005.
43. Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.

44. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш.  
Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.
45. Журнал ва газеталар: - Молия илмий журнали 2015 й 4-6 сонлари;
46. Иқтисод ва Молия/ 2015 й 1-сон; Солиққа тортиш ва бухгалтерия  
ҳисоби 2010-2016 йиллар 1-6 сонлари; Солиқ ва божхона хабарлари  
2010-2016 йиллар;
47. Интернет сайтлар:
- <http://ww.soliq.uz>
- <http://www.stat.uz>
- <http://www.lex.uz>
- <http://www.minfin.ru>
- <http://www.mf.uz>
- <http://www.finansy.ru>
- <http://www.finance.rambler.ru>